


## ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА УНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Ушбу монографияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш хусусиятлари, бизнес юритиш учун тадбиркорлик муҳитини баҳолашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилган, Ўзбекистонда институтционал таснифда учрайдиган мавжуд бир нечта одатий муаммолар ўрганилган, унинг самарали фаолият олиб боришига имкон берувчи илмий - амалий тавсиялар мажмуи ишлаб чиқилган. Шунингдек, Жаҳон банки ва ҳалқаро молия корпорациясининг «Doing business 2019: Training for Reform» индекси ва Forbes журналининг “Бизнес юритиш учун энг яхши мамлакат” рейтингини статистик таҳлили ва мақсадли мониторинги, кузатишлар ёрдамида институционал ва тадбиркорлик муҳити ҳолатига таъсир этувчи турли хил мезонлар таҳлил қилинган. Жаҳон банкива ҳалқаро молия корпорациясининг «Doing business 2019: Training for Reform» индекси ва Forbes журналининг “Бизнес юритиш учун энг яхши мамлакат” рейтингини синчковлик билан ўрганиш асосида муаллифлар Ўзбекистонда тадбиркорлик институтини такомиллаштириш ва мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича аниқ таклифларни илгари сурган. Тадбиркорлик фаоллигини ошириш учун таъсир қилувчи омиллар аниқланган.

Курпаяниди К.И. – PhD, Россия табиий фанлар Академияси профессори, 12 монография, 400 дан ортиқ илмий мақола ватезислар муаллифидир.

Ашуров М.С. - PhD, Фарғона политехника институти

“Менежмент” кафедраси доценти, 3 монография, 40 дан ортиқ илмий мақола ва тезислармуаллифидир.



978-613-9-41557-1



Globe  
EDIT

Ўзбекистон. Тадбиркорлик муҳити

Константин Курпаяниди, Махаммаджон Ашуров

Globe  
EDIT



Константин Курпаяниди · Махаммаджон Ашуров

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА УНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИНИ БАҲОЛАШ

МОНОГРАФИЯ

**Константин Курпаяниди  
Махаммаджон Ашуров**

**Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитининг  
замонавий ҳолати ва уни самарали ривожлантириш  
муаммоларини баҳолаш**

## Imprint

Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: [www.ingimage.com](http://www.ingimage.com)

Publisher:

GlobeEdit

Is a trademark of

International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum

Publishing Group

17 Meldrum Street, Beau Bassin 71 504, Mauritius

Printed at: see last page

**ISBN: 978-613-9-41557-1**

Copyright © Константин Курпаяниди, Махаммаджон Ашуров

Copyright © 2019 International Book Market Service Ltd., member of

OmniScriptum Publishing Group



DOI: <http://dx.doi.org/10.13140/RG.2.2.34273.74088>

**КУРПАЯНИДИ К. И., АШУРОВ М.С.**

**Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитининг  
замонавий ҳолати ва уни самарали  
ривожлантириш муаммоларини баҳолаш**

**МОНОГРАФИЯ**

и. ф. д., профессор М.А.Икрамов,  
и.ф.н., доцент А.М.Абдуллаев таҳрири остида

**GlobeEdit Academic Publishing, European Union, 2019.**

---

BQ 65.291. 551 UDK 334.722  
JEL classification: E32, F40, P48  
ISBN: 978-613-9-41557-1  
DOI: [10.13140/RG.2.2.34273.74088](https://doi.org/10.13140/RG.2.2.34273.74088)



**Курпаяниди К.И. Ашуров М.С.** Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитининг замонавий ҳолати ва уни самарали ривожлантириш муаммоларини баҳолаш. Монография. И.ф. д., профессор М.А. Икрамов, и.ф.н., доцент А.М.Абдуллаев таҳрири остида. GlobeEdit Academic Publishing, European Union, 2019. – 214 б.

Ушбу монографияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш хусусиятлари, бизнес юритиш учун тадбиркорлик муҳитини баҳолашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилган, Ўзбекистонда институтционал таснифда учрайдиган мавжуд бир нечта одатий муаммолар ўрганилган, унинг самарали фаолият олиб боришига имкон берувчи илмий - амалий тавсиялар мажмуи ишлаб чиқилган.

Шунингдек, Жаҳон банки ва ҳалқаро молия корпорациясининг «Doing business 2019: Training for Reform» индекси ва Forbes журналининг “Бизнес юритиш учун энг яхши мамлакат” рейтингини статистик таҳлили ва мақсадли мониторинги, кузатишлар ёрдамида институционал ва тадбиркорлик муҳити ҳолатига таъсир этувчи турли хил мезонлар таҳлил қилинган. Жаҳон банк ва ҳалқаро молия корпорациясининг «Doing business 2019: Training for Reform» индекси ва Forbes журналининг “Бизнес юритиш учун энг яхши мамлакат” рейтингини синчковлик билан ўрганиш асосида муаллифлар Ўзбекистонда тадбиркорлик институтини такомиллаштириш ва мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича аниқ таклифларни илгари сурган. Тадбиркорлик фаоллигини ошириш учун таъсир қилувчи омиллар аниқланган.

Монография талабалар, илмий ходимлар, тадбиркорлик ва кичик ва хусусий бизнеснинг иқтисодий қирралари билан қизиқувчилар учун тавсия этилган.

Калит сўзлар: бизнесни баҳолаш, Ўзбекистон иқтисодиёти, самарадорлик, тадбиркорлик, рейтинг.

**Такризчилар:**

**Хонкелдиева Г.Ш.** - и.ф.н., профессор, Фарғона давлат университети

**Ғофуров У.В.** - и.ф.д., профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Мўминова Э.А.** - и.ф.н., доцент, Фарғона политехника институти

Фарғона политехника институти Кенгаши руҳсати билан чоп этилди. Баён № 6. 28 февраль 2019 й.

**ISBN: 978-613-9-41557-1**

© Курпаяниди К.И., Ашуров М.С., 2019

© International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group, 2019

ББК 65.291. 551 УДК 334.722  
JEL classification: E32, F40, P48  
ISBN: 978-613-9-41557-1  
DOI: [10.13140/RG.2.2.34273.74088](https://doi.org/10.13140/RG.2.2.34273.74088)



**Курпаяниди К.И., Ашуров М.С.** Современное состояние и проблемы оценки эффективности предпринимательской среды в Узбекистане. Монография. Под редакцией д.э.н., профессора Икрамова М.А., к.э.н., доцента Абдуллаева А.М. GlobeEdit Academic Publishing, European Union, 2019. – 214 с.

В монографии рассматриваются особенности развития малого бизнеса и частного предпринимательства, изучены некоторые типичные проблемы в классификации институциональных условий, являющихся структуроформирующими предпринимательства в Узбекистане, разработан комплекс научно-практических рекомендаций, способствующих повышению эффективности его функционирования. Выявлены факторы, влияющие на предпринимательскую активность

На основе индекса Всемирного Банка «Doing business 2019: Training for Reform» и показателей рейтинга Forbes «Лучшие страны для бизнеса» проведена оценка эффективности регулирования предпринимательской среды в Узбекистане. Авторами выдвигаются конкретные предложения по совершенствованию института предпринимательства и улучшения делового климата в стране.

Книга представляет интерес для студентов, научных сотрудников, всех интересующихся предпринимательством и экономическими аспектами функционирования малого частного бизнеса.

**Ключевые слова:** оценка бизнеса, экономика Узбекистана, эффективность, предпринимательство, рейтинг.

**Рецензенты:**

**Хонкелдиева Г.Ш.** – д.э.н., профессор, Ферганский государственный университет

**Гофуров У.В.** – д.э.н., профессор, Ташкентский государственный экономический университет

**Муминова Э.А.** – к.э.н., доцент, Ферганский политехнический институт

Печатается по решению Совета Ферганского политехнического института. Протокол № 6 от 28 февраля 2019 года.

**ISBN: 978-613-9-41557-1**

© Курпаяниди К.И., Ашуров М.С., 2019  
© International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group, 2019

UDK 334.722

JEL classification: E32, F40, P48

ISBN: 978-613-9-41557-1

DOI: [10.13140/RG.2.2.34273.74088](https://doi.org/10.13140/RG.2.2.34273.74088)



**Kurpayanidi K.I., Ashurov M.S.** The current state and problems of assessing the effectiveness of the entrepreneurial environment in Uzbekistan. Monograph. Edited by Doctor of Economics, Professor M.A Ikramov, Ph.D., Associate Professor A.M. Abdullayev. GlobeEdit Academic Publishing, European Union, 2019. - 214 p.

The monograph examines the features of the development of small business and private entrepreneurship, examines some typical problems in the classification of institutional conditions that are structure-forming entrepreneurship in Uzbekistan, developed a set of scientific and practical recommendations that contribute to improving the efficiency of its functioning. Identified factors affecting entrepreneurial activity.

Based on the World Bank Doing Business 2019: Training for Reform index and the Forbes Best Countries for Business rating indicators, the effectiveness of business environment regulation in Uzbekistan was assessed. The authors put forward specific proposals to improve the institution of entrepreneurship and improve the business climate in the country.

The book is of interest to students, researchers, all interested in entrepreneurship and economic aspects of the functioning of a small private business.

**Keywords:** business valuation, economy of Uzbekistan, efficiency, entrepreneurship, rating.

**Reviewers:**

**Honkeldieva G.Sh.** - *Doctor of Economics, Professor, Fergana State University*

**Gofurov U.V.** - *Doctor of Economics, Professor, Tashkent State Economic University*

**Muminova E.A.** - *Ph.D., Associate Professor, Ferghana Polytechnic Institute*

Reprinted by decision of the Council of the Fergana Polytechnic Institute. Protocol number 6 dated February 28, 2019.

**ISBN: 978-613-9-41557-1**

© Kurpayanidi K.I., Ashurov M.S., 2019

© International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group, 2019

UDK 334.722

JEL classification: E32, F40, P48

ISBN: 978-613-9-41557-1

DOI: [10.13140/RG.2.2.34273.74088](https://doi.org/10.13140/RG.2.2.34273.74088)



**Kurpayanidi K.I. Ashurov M.S.** Der aktuelle Stand und die Problemen bei der Bewertung der Wirksamkeit des unternehmerischen Umfelds in Usbekistan. Monographie. Herausgegeben von Doktor der Wirtschaftswissenschaften, Professor M.A.Ikromov, Kandidat der Wirtschaftswissenschaften A.M. Abdullayev. GlobeEdit Academic Publishing, Europäische Union, 2019. – 212 S.

In der Monographie werden die Merkmale der Entwicklung des Kleinbetriebs und des privaten Unternehmertums, typische Problemen bei der Klassifizierung institutioneller Bedingungen, die strukturbildendes Unternehmertum in Usbekistan, eine Reihe wissenschaftlicher und praktischer Empfehlungen, die zur Verbesserung der Effizienz seiner Funktionsweise beitragen, festgestellte Faktoren, die die unternehmerische Tätigkeit beeinflussen untersucht.

Basierend auf dem Doing Business Index der Weltbank 2019: Training for Reform und den Bewertungsindikatoren von Forbes Best Countries for Business wurde die Wirksamkeit der Regulierung des Geschäftsumfeld in Usbekistan bewertet. Der Autor hat konkrete Vorschläge zur Verbesserung der unternehmerischen Initiative und des Geschäftsklimas im Land unterbreitet.

Die Monographie ist für die Studierenden, wissenschaftlichen Forscher und alle, die für das Unternehmertum und die wirtschaftlichen Aspekte des kleinen privaten Unternehmens interessieren, empfohlen.

**Schlüsselwörter:** Unternehmensbewertung, Wirtschaft von Usbekistan, Effizienz, Unternehmertum, Rating.

**Rezensenten:**

**Honkeldiyeva G.Sh.** – *Doktorin der Wirtschaftswissenschaften, Professorin an der Ferganaer Staatlicher Universität.*

**Gofurov U.V.** – *Doktor der Wirtschaftswissenschaften, Professor an der Taschkenter Staatlicher Universität für Ökonomie.*

**Muminova E.A.** – *Kandidatin der Wirtschaftswissenschaften, Dozentin am Ferganaer polytechnischen Institut.*

Wird nach dem Beschluss des Wissenschaftlichen Rates des Ferganaer polytechnischen Instituts gedruckt. Protokoll nummer 6. 28 Februar 2019

**ISBN: 978-613-9-41557-1**

© Kurpayanidi K.I., Ashurov M.S., 2019

© International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group, 2019





# МУНДАРИЖА

---

	<b>КИРИШ</b>	12
1 Боб	<b>ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЦИКЛИК ТЕБРАНИШЛАРИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ</b>	20
2 Боб	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ РИВОЖЛАНИШ ЖИҲАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ</b>	45
2.1.	Тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг меъёрий - ҳуқуқий асослари	45
2.2.	Кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг тизимли таҳлили	69
2.3.	2018 йилда Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик субъектлари ҳолати ва уларнинг фаолияти таҳлил	90
2.4.	Тадбиркорлик субъектлари инфратузилмасининг ҳолати ва самарали фаолияти таҳлили	111
3 Боб	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ САМАРАЛИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИНИ БАҲОЛАШ</b>	120
3.1.	Forbes нинг “Бизнес юритиш учун энг яхши мамлакат” рейтинг кўрсаткичларини баҳолаш	120
3.2.	«Doing Business 2019: Training for Reform» Тадбиркорлик муҳитини самарали назорат қилишни баҳолаш воситаси сифатида	128
	<b>ХУЛОСА</b>	154
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>	163
	<b>ИЛОВАЛАР</b>	192

**Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш  
йилига бағишланади**

## **КИРИШ**

Тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришнинг институционал шароитини қоида ва механизмлар мажмуи сифатида қабул қилиш керак. Бунда тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу белгиланган қоида ва меъёрларни бажаришга мажбур бўлиши керак. Институционал структура динамикасида юзага келадиган ҳаттоки, кичик бир ўзгариш тадбиркорлик структурасига таъсир этади<sup>1</sup>. Институт, қоида, махсус кафолатлар - тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришда институционал шароитларнинг мажбурий элементлари ҳисобланади.

Замонавий Ўзбекистонда очик, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишни амалга оширишга қаратилган радикал макроиқтисодий қайта қуриш амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан ресурс, конъюктура ва институционал омиллар таъсири остида бизнес структурасида ўзгаришлар юзага келмоқда.

Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнесга олиб борилаётган ислохотларнинг мақсадли гуруҳи ва энг асосийси ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муҳитда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралмоқда. Ҳозирда тадбиркорлик фаолияти ўзаро бир - бири билан боғлиқ лойиҳа-технологик, ахборот ва ишлаб чиқаришнинг ташкилий тизимлари мажмуидан иборат бозор инфратузилмаси институтлари орқали амалга оширилади<sup>2</sup>. Ушбу инфратузилма тадбиркорликнинг тўлиқ цикли - ғоядан бошлаб, унинг муайян товар ёки хизмат кўринишида амалга жорий этилгунга

---

1. Вольчик В. В. Государственное регулирование предпринимательской деятельности: проблема институциональных барьеров //Journal of economic Regulation. – 2012. – Т. 3. – №3.

<sup>2</sup> Абдуллаев А.М., Курпаяниди К.И., Some of the conceptual issues of state support of small business in Uzbekistan// Молодой ученый. РФ. Казань, 2015. — №6.

қадар бўлган жараёнларни амалга оширишга имкон беради. Тадбиркорликнинг институционал тизими муваффақиятли амалга оширилиши учун ижобий таъсир кўрсатадиган меъёрий - ҳуқуқий асос ва корхона маҳсулотларини бозорга олиб чиқишга йўналтирилган самарали тизимга эга бўлиши керак<sup>3</sup>.

Бундан кўринадики, институционал инфратузилмани шакллантириш энг жиддий ва долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Ҳозирда тадбиркорлик инфратузилмасининг барча таркибий қисмлари: давлат ҳокимияти билан муносабатлар, молия институтлари, технологик ва ишлаб чиқариш қувватлари билан таъминланганлик, ахборотларнинг ошқоралиги ва очиқлиги кабилар ҳанузгача қатъий рақобатли бозор шартларига жавоб бермайди ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ўсишини таъминлай олмаяпти. Тадбиркорликнинг институционал таъминотида ҳудудлараро кескин фарқларнинг мавжуд эканлиги вазиятни янада мураккаблаштиради<sup>4</sup>.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Институционал ўзгаришлар шароитида тадбиркорлик, кичик бизнес назариясига асос солувчи қирралари таниқли хорижий иқтисодчи олимлар Дж.

---

<sup>3</sup> Абдурахманова Г. К. Роль малого бизнеса в рыночной экономике //Наука и практика.- 2013. – №3 - С. 77.

<sup>4</sup> Дятченко Л. Я., Ляшенко В. И., Павлов К. В. Малое предпринимательство в странах СНГ. – Москва: Магистр, 2007.

Гэлбрейт<sup>5</sup>, Д.Диксин<sup>6</sup>, П.Друкер<sup>7</sup>, А.Маршалл<sup>8</sup>, А. Смит<sup>9</sup>, Б.Санто<sup>10</sup>, К.Татеиси<sup>11</sup>, А.Хоскинг<sup>12</sup>, Й.Шумпетер<sup>13</sup> ва бошқаларнинг ишларида баён қилинган.

МДХ да кичик бизнес ривожланишининг у ёки бу жиҳатларини ёритиб берган ўта муҳим тадқиқотлар орасида қуйидаги муаллифлар: Л.Абалкин<sup>14</sup>, В.Автономов<sup>15</sup>, А.Блинов<sup>16</sup>, Т.Койчуев<sup>17</sup>, О.Криворучко<sup>18</sup>, М.Лапуста<sup>19</sup>,

---

<sup>5</sup> Гэлбрейт Д. Экономическая политика измеряется результатами //Проблемы теории и практики управления. – 1999. – №. 5. – С. 32-37.

<sup>6</sup> Deakins D., Freel M. S. Entrepreneurship and small firms. – McGraw-Hill College, 2009.

<sup>7</sup> Друкер П. Ф. Бизнес и инновации. – Вильямс, 2007.

<sup>8</sup> Маршалл А. Принципы экономической науки //М.: Прогресс. – 1993. – Т. 1. – С. 416.

<sup>9</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатств народов.- М.: Соцэкгиз, 1962.– 684 с.

<sup>10</sup> Санто Б. Философия предпринимательства //Проблемы теории и практики управления. – 1990. – №. 3. – С. 96-101.

<sup>11</sup> Татеиси К. Вечный дух предпринимательства //К.: Укрзакордонвизасервис. – 1992.

<sup>12</sup> Курс предпринимательства: Практическое пособие / Пер с англ. – М.: Международные отношения, 1993.

<sup>13</sup> Шумпетер Й., Милейковский А. Г., Бомкин В. И. Теория экономического развития:(Исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры): Пер. с нем. – Прогресс, 1982.

<sup>14</sup> Абалкин Л. И. Заметки о российском предпринимательстве/Избранные труды: В 4-х т. т. Т. III //ВЭО России.- М.: ОАО «НПО Экономика». -2000.-365-436с. – 2007.

<sup>15</sup> Автономов В. Практики глазами теоретиков (феномен предпринимательства в экономической теории) //Предпринимательство в России. – 1997. – №. 4. – С. 5-11.

<sup>16</sup> Блинов А. О. Государство и предпринимательство (теория среднего класса) //М.: Палеотип. – 2003.

<sup>17</sup> Койчуев Т., Койчуева М. Теория и практика экономического развития в переходный период //Реформа, Бишкек. – 2001.

<sup>18</sup> Криворучко О. Н., Зайцев А. А., Лобанов С. Н. Становление предпринимательской экономики в России. – " Экономика", 2000.

<sup>19</sup> Лапуста М. Г., Старостин Ю. Л. Малое предпринимательство. – Инфра-М, 2005.

А.Орлов<sup>20</sup>, В.Рубе<sup>21</sup>, Э.Примов<sup>22</sup>, Ф.Шахмалов<sup>23</sup>, А.Юданов<sup>24</sup> ва бошқаларни қайд этиб ўтиш мумкин.

Иқтисодиётнинг ушбу секторини Ўзбекистонда оёққа туриши ва ривожланиши хусусиятларига бағишланган тадқиқотларни А.Хикматов<sup>25</sup>, Б.Беркинов, М.Икрамов<sup>26</sup>, Н.Махмудов, М.Турсунходжаев, З.Худайбердиев, В. Батурин, Д. Тростянский ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида кўриш мумкин.

А.Ахмедиев, У. Валижанов, О. Исмаилов, Л. Ишмухамедов, С.Салаев, И.Турсунов, Э.Эргашев, М.Эшов ва бошқаларнинг диссертация ишлари бевосита янги институционал шароитларда тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган. Уларнинг ишларида ушбу муаммони ҳал этишнинг худудий ёки тармоқ аспектларига асосий эътибор қаратилган. Бирок, охириги вақтларда муаммони тадқиқ этиш йўналиши бир оз ўзгарган. Эндиликда, кичик бизнеснинг умумий муаммолари (ижтимоий муаммолар, бандлик муаммоси ва ҳ.к ҳал этишда, иқтисодий тизимдаги ўрни ва роли) ни таҳлил қилишдан, кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва уни фаоллаштиришга тўсқинлик қилувчи сабабларни таҳлил қилиш масалаларига ўтиш заруратга айланди.

Шу билан биргаликда амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнесни фаоллаштириш бўйича давлат томонидан барча даражада- миллидан

---

<sup>20</sup> Орлов А. К. Особенности инвестиционной оценки девелоперских мегапроектов с участием государства // Экономика и предпринимательство. – 2015. – №. 5-1. – С. 892-895.

<sup>21</sup> Примов Э. Формирование и развитие предпринимательской деятельности в Кыргызской Республике // Общество и экономика. – 2003. – №. 9. – С. 127-134.

<sup>22</sup> Рубе В. Институциональные аспекты организации малого бизнеса в развитых странах и в России. Учебное пособие. – Litres, 2017.

<sup>23</sup> Шамхалов Ф. Малое предпринимательство в системе рыночных реформ: проблемы роста или выживания // Вопросы экономики. – 2011. – Т. 10.

<sup>24</sup> Юданов А. Ю. Носители предпринимательства: фирмы-газели в России // Журнал Новой экономической ассоциации. – 2010. – №. 5. – С. 91-108.

<sup>25</sup> Хикматов А., Тростянский Д. Развитие малого предпринимательства как фактор экономического роста в Узбекистане // Общество и экономика. – 2002. – №. 2. – С. 142-148.

<sup>26</sup> Икрамов М. А., Некоторые вопросы государственного регламента инновационного процесса: зарубежный опыт и практика Узбекистана // Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования. – 2013. – №. 3. – С. 198-205.

худудийгача бўлган даражада амалга оширилаётган барча чора тадбирларга қарамасдан, вазиятни тубдан ўзгартириш имкони бўлмапти. Бу кичик бизнеснинг кўп қирралилиги ва унинг фаолият олиб бориш шартоиларининг кўп томонлама эканлиги билан изоҳланади. Шунинг учун кичик тадбиркорликнинг турли жиҳатларига бағишланган матбуотда босилган ишлар сонининг кўплигига қарамасдан, ушбу муаммони келгусида тадқиқ этишни талаб этади. Хусусан, Ўзбекистонда тадбиркорлик структурасини белгилаб берувчи институционал шароитлар амалиётда умуман ўрганилмаган.

Муваффақиятли бизнес юритиш учун тадбиркорлик муҳитининг замонавий ҳолатини умумий ва дунёнинг илғор мамлакатлари кесимида шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мисолида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан самарали назорат қилиш муаммоларини ўрганиш ушбу монографиянинг мақсад ва вазифаси ҳисобланади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотнинг воситавий – услубий аппарати тизимли ёндошув доирасида тадқиқотнинг умумилмий услублари: мантиқий ва вазиятли таҳлил, эксперт баҳолаш, сўровнома, кузатиш, интервью, гуруҳлаш, таққослаш каби таҳлил воситаларини қўллашга асосланади. Ушбу воситалар тадқиқот олиб боришнинг турли босқичларида турли комбинацияларда фойдаланилади, якуний натижалар, хулосалар ва таклифларни илмий асосланганлигини таъминлашга имкон беради.

#### **Таҳлил ва натижалар**

2016 - 2019 йиллар мобайнида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун шароит яратиш, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун асос бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик учун хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, 2016 йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг №ПФ-4848 сонли "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида"<sup>27</sup> ги Фармони, 2017 йил 1 февралда “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисидаги”<sup>28</sup> Қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар барча турдаги режадан ташқари, тасодифий назоратларни бекор қилиш ва тўсиқларни олиб ташлаш асосида мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган.

Кичик ва хусусий корхоналарни жадал модернизация қилиш ва уларнинг экспорт фаолиятларини рағбатлантириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш, тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий йўналиши бўлишлигини, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортда иштирокини янада рағбатлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни назарда тутати. Бундан ташқари, банклар ва кредит бюрolari, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналаридан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш "бир ойна" тизими марказлари зиммасига юклатилади. Ушбу чора-тадбирлар фаолиятдаги тарқоқ тизим ўрнига тадбиркорлик субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатга олишнинг ягона тизимини яратишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июнда қабул қилинган "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида " ги<sup>29</sup> Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг фаолиятини ташкил

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2016 й., № 40, 467 бет

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2017 й., № 5, 61 бет, № 20, 354 бет, № 27, 608 бет, № 29, 68 бет

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 27 июня 2017 г., N 25, ст. 522



этишни такомиллаштириш тўғрисида" ги Қарорига<sup>30</sup> мувофиқ, савдо саноат палатасининг фаолияти унинг вазифа, функция ва ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли такомиллаштирилади. Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, корхоналар фаолияти билан боғлиқ бўлган барча фаолият турларининг шафоқлик даражасини ошириш, уларни қисқартириш, соддалаштириш ва жаҳон амалиётида кенг эътироф этилган бизнес юритиш шароитларини баҳолаш мезонлари тизимини жорий этиш, шу асосда Ўзбекистоннинг ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитининг халқаро рейтингини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ №4455-сонли "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди. Қабул қилинган ҳужжатга мувофиқ<sup>31</sup> иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк, манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда Жаҳон банки ва унинг бўлимлари, Халқаро молия корпорациясининг «Doing business 2019: Training for Reform» маърузасини шакллантириш методикасига мувофиқ ишбилармонлик муҳити ҳолатини омилли таҳлил қилиш ва мамлакат рейтингини аниқловчи баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини жорий этиш бўйича кўплаб ишлар олиб борилди. Ҳукуматга «Doing business 2019: Training for Reform» ҳисоботининг мезонлари бўйича мамлакат рейтингини оширишнинг стратегик вазифалари белгилаб берилди. Муаллифлар Жаҳон банки гуруҳининг етакчи наشري ҳисобланган, ҳар йили чоп этиладиган «*Doing business 2019: Training for Reform*» нинг 15 – сони натижалари таҳлилин олиб боради. Ўзбекистон Республикасининг миллий иқтисодиётини баҳолаш нуқтаи назаридан, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга имкон берувчи, шунингдек, унинг фаолиятини чегараловчи меъёрларни баҳолашни амалга оширади.

---

<sup>30</sup> О совершенствовании организации деятельности торгово-промышленной палаты Республики Узбекистан. Постановление Президента Республики Узбекистан//Народное слово, 10 июля 2018 г.

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2012 й., № 29, 328 бет; 2013 й., № 36, 477 бет

Ушбу контекстда, Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш натижасида шаклланувчи мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи самарали институтлар, одатдаги тарафдорларнинг имкониятлари муҳим аҳамият касб этади.

Муаммонинг долзарблиги, унинг илмий ва амалий аҳамияти, шунингдек мавзунинг кам ўрганилганлиги ушбу монографияни ёзишга тurtки берди, бу эса унинг объекти ва предмети, мантиқий тузилиши ва структурасини яратишга олиб келди.

## **I Боб ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЦИКЛИК ТЕБРАНИШЛАРИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

2000 йиллардан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиёти йилига ўртача 8 % га ўсиб иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларига эришди, шунингдек, паст даражадаги ташқи қарз, барқарор алмашинув курси ва даромадларнинг тенг тақсимланишига эришилди. Ҳукумат кучли саноат сиёсати орқали босқичма-босқич таркибий ўзгаришларга эришди. Глобал инқирозга қарши курашда кўплаб ривожланган давлатлар ҳукуматлари инсоннинг ўзи қабул қилган қарорлари учун шахсий жавобгарлиги аслида хусусий мулкни обрўсизлантириши, бозор иқтисодиётининг мустақкам пойдеворига путур етказишига қарши курашга бутун кучини сарфламоқда. Иқтисодий инқироз сиёсатчилар ва экспертлар олдига замонавий хўжалик тизимларнинг фаолиятига доир бир қатор жиддий масала ва вазифаларни ҳал этишни талаб қилиб қўйди.

Бу масала ва вазифаларни ҳал этиш, янги интеллектуал билимларни талаб этади.

Ушбу бобда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тўлқинларининг ҳозирги шароитда Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланиш истиқболларига таъсирини аниқлаймиз, атрофлича, тизимли таҳлил қиламиз. Шу асосда мамлакатда тадбиркорликни ривожланиш шароитлари ва йўналишларини кўриб чиқиш мумкин бўлади.

Ретроспектив усул асосида биз Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари, хусусиятларини тасаввур этамиз. Статистик усуллар ёрдамида биз инқироздан кейинги даврда Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболларини асослаймиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврда нафақат ўзининг саноат салоҳиятини сақлаб қолди, балки уни модернизация қилиш сиёсатини ҳам олиб бормоқда. Миллий иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги улушини қисқартириш билан

бирга, кишлок хўжалиги тармоғини модернизация қилишга ҳам муваффақ бўлди. Республика банк тизимини сезиларли даражада мустаҳкамлади ва хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтди.

Жаҳон иқтисодий тизимининг замонавий ривожланиш босқичининг асосий хусусияти шундаки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш ва жаҳон молиявий архитектурасини ислоҳ қилиш бўлиб ҳисобланади, бу эса ўз навбатида, айрим давлатларнинг пул-кредит сиёсатига инқирозга қарши тузатишлар киритишни талаб қилади<sup>32</sup>.

Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга ошириш, бир қатор асосий масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқдир. Биринчи савол миллий иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси ва иқтисодий сиёсатнинг якуний мақсадига нисбатан инқирозга қарши сиёсатнинг табиати ва мақсадлари билан боғлиқ. Агар инқирозга қарши дастур вақтинчалик тавсифга эга бўлса, ундай ҳолда бундай молиявий сиёсат ва унинг хатарлари инқироздан кейинги давр иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатади? Агар бу сиёсат узоқ муддатли тавсифга эга бўлса ва "янги иқтисодий сиёсат" сифатида намоён бўлса, унинг вазифалари инновацион пост-саноат иқтисодиётини яратиш ва ҳаёт сифатини оширишга қаратилган мақсадлар билан қандай боғлиқ? Ушбу масалаларнинг юзага келиши иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мавжуд тизимининг муайян даражада самарасиз эканлигидан далолат беради. Инқироздан чиқиш учун фавқулодда чоралар кўрилган бўлса, ҳозирги пайтда макроиқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларини аниқлаш вақти келди.

Иқтисодий сиёсатнинг яна бир муҳим хусусияти миллий сиёсат (манфаатлар) ва глобал кадриятлар ўртасидаги зиддиятни бартараф этишдир.

---

<sup>32</sup> Абдуллаев А. М. Социально-экономические аспекты функционирования субъектов малого предпринимательства в системе институциональных преобразований //Успехи современного естествознания. – 2013. – №. 12.

Ушбу вазифани ҳал этишга иқтисодий соҳадаги халқаро ҳамкорликда юзага келган ўзига хос хусусиятлар тўсқинлик қилмоқда<sup>33</sup>.

Глобал бошқарувда асосий актёр сифатида давлатнинг тутган ўрни ўзгармоқда. Агар илгари глобал бошқарувда давлат иштирокининг шакллари бевосита ёки билвосита эканини аниқ ажратиб олиш мумкин бўлган бўлса, унда янги дунё тартибини шакллантириш шароитида ва халқаро иттифоқлар ва минтақавий интеграция гуруҳларининг аҳамияти ўсиб бораётган шароитда глобал бошқарувда давлат иштирокининг воситачилик шакли устунлик қилмоқда. Шу билан бирга, давлат ўз ваколатларини кенгайтириб, уларнинг бир қисмини трансмиллий босқич (инстанция)ларга топширди.

Глобал инқирозга қарши курашда кўплаб ривожланган давлатлар ҳукуматлари инсоннинг ўзи қабул қилган қарорлари учун шахсий жавобгарлиги, аслида хусусий мулкни обрўсизлантириши, бозор иқтисодиётининг мустаҳкам пойдеворига путур етказишига қарши курашга бутун кучини сарфламоқда. Давлат хусусий хавфларни ўзига олишга тайёр, бошқача айтганда, йўқотишларни миллатлаштириш сиёсати кейинги босқичда хавфларни миллатлаштиришга олиб келиши муқаррардир. Иқтисодий инқироз сиёсатчилар ва экспертлар олдида замонавий хўжалик тизимларнинг фаолиятига доир бир қатор жиддий масала ва вазифаларни ҳал этишни талаб қилиб қўйди. Бу каби масалалар, одатда, янги ҳақиқатларни англаб етиш ва аниқ ечимларга эга бўлмаган вазифани ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган интеллектуал кашфиётларни талаб этади. Муҳокама қилинаётган чора-тадбирларнинг аксарияти миллий даражада етарли даражада сиёсий қўллаб-қувватланмади. Шубҳасиз, молиявий секторни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилишга шошилиш яширин таваккалчиликларнинг пайдо бўлишига ва амалга ошишига олиб келиши мумкин, келажакда турли юрисдикциялар ўртасида арбитражни ривожланишига ва жаҳон харитасида молиявий марказлар кучлари жойлашувининг ўзгаришига

---

<sup>33</sup> Курпаяниди К. И. Экономические институты в условиях институциональных преобразований //Успехи современного естествознания. – 2013. – №. 12.

олиб келиши мумкин<sup>34</sup>. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда тартибга солувчи органлар бошқа давлатларнинг тартибга солувчи органларининг фаолиятига қарамасдан қарорлар қабул қила олмайди. Ҳозирги шароитда миллий молиявий секторлар мониторинги механизми ва трансчегаравий битимлар ва тартибга солувчи иштирокчиларнинг хатарларини ҳисобга олиш долзарб бўлиб қолмоқда. Муаммо шундаки, глобаллашган бозорлар миллий даражада тартибга солинади. Бироқ, бу фақат кўрсатиб ўтилган зиддиятни енгиллаштиради, аммо уни бартараф қилмайди. Иқтисодиётни тартибга солувчи сифатида давлат функцияларини кўриб чиқа туриб, у дуч келадиган умуман янги парадигмани ҳисобга олиш керак. Кўпгина анъанавий соҳаларда унинг жойлашуви миллий даражадаги тартибга солувчилардан анча ортда қолмоқда. Миллий банкларнинг қайта молиялаш ставкаси, миллий валютанинг алмашинув курси, импорт тўсиқлари, экспорт субсидиялари, солиққа тортиш, ижтимоий сиёсат, таълим, кадрларнинг касбий тайёргарлиги - улар ташқи регуляторлар фойдаси билан қоришиб кетувчи давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш воситаси бўлиб ҳисобланади<sup>35</sup>. Аслида тарихда биринчи марта ҳукумат ўз ҳудудида иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари устидан назорат қилишда ўзининг суверен ҳуқуқларидан қисман воз кечиши кераклиги ҳақида гап кетмоқда.

Жаҳон тажрибаси, муайян даражада давлат аралашувига асосланган бозор механизмларига эга ўзини ўзи бошқариш иқтисодиёти юқори самарадорли эканлигини кўрсатмоқда. Инқироз сабоқлари шуни кўрсатадики, ўз ихтиёрига қўйиб қўйилган бозор, ҳам иқтисодий тизимни, ҳам бутун давлатнинг пойдеворига путур етказишга қодир жуда кўплаб олдиндан айтиб бўлмайдиган муаммоларни келтириб чиқаради. Бунинг сабаби шундаки, бозор барқарор

---

<sup>34</sup> Расулев А.Ф, Тростянский Д.В. Современные аспекты обеспечения экономической безопасности Узбекистана // Экономика региона. 2012. №2.

<sup>35</sup> Пардаев У. У. Подходы к повышению эффективности исполнения расходов государственного бюджета в Узбекистане //Проблемы современной экономики. – 2014. – №. 4 (52).

инфратузилмани яратиш ва қўллаб-қувватлашга қодир эмас<sup>36</sup>. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги босқичда барча саноати ривожланган давлатларда давлат муҳим рол ўйнаган ва ўйнашда давом этмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг жиддийлиги ва динамикаси глобал жараёнларнинг миллий иқтисодиётга таъсири кучаяётганини намойиш этди. Глобаллашувнинг ўсиб бораётган тенденцияси деярли барча соҳалар ҳаёт фаолиятини, айниқса иқтисодиётда интеграция ва ҳамкорлик кўламини оширди, айти шу пайтда халқаро рақобатни кучайтирди<sup>37</sup>. Буларнинг барчасида миллий манфаатларни рўёбга чиқариш учун жиддий синовларни акс эттирувчи кучли рақобат муҳити туради. Вазият, кўпгина хорижий давлатлар инқироздан кейинги даврда ўз бозорларини ҳимоя қилиш ва экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳаракатларни амалга оширишга эътиборни кучайтирмоқда.

Буларнинг барчаси турли хил тўсиқлар ва ҳимоя механизмларини яратиш, шунингдек, иқтисодиётга нафақат ички капитални киритиш орқали рецессияни бартараф этиш асосизлигини кўрсатмоқда. Ушбу йўналишда давлат янги иқтисодий тартибнинг шаклланишига таъсир кўрсатиш имкониятини йўқотиб, охир-оқибат, уларни жаҳон иқтисодий иерархиясида четки ўринларига дучор қилади.

Ҳозирги шароитда миллий иқтисодиётни ривожлантиришни жадаллаштиришнинг ягона йўли - бу миллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш бўйича фаол сиёсат асосида жаҳон бозорлари билан ўзаро муносабатларни кенгайтиришдан иборат<sup>38</sup>. Бундай шароитларда рақобат муҳитини ривожлантириш биринчи даражали аҳамият касб этиб, корхоналарда

---

<sup>36</sup> Попов В. В. Экономическое чудо переходного периода: как Узбекистану удалось то, что не удалось ни одной постсоветской экономике //Журнал Новой экономической ассоциации. – 2014. – №. 1. – С. 136-159.

<sup>37</sup> Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009. 2,7 - бетлар.

<sup>38</sup> Курбанова Д. М. Проблемы устойчивого развития экономики //Проблемы современной экономики. – 2015. – №. 23.

товарлар ва хизматларга бўлган пасайиб бораётган талабни қаноатлантириш ва молиявий ресурслар учун кураш кескинлашмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистоннинг институционал тузилмаси, ташқи муаммоларга муносиб жавоб беришга қай даражада тайёр эканлигини кўрсатди. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан самарали тартибга солиниши, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва унинг тез ўзгариб борувчи ташқи муҳит шароитларига юқори даражадаги мослашувчанлиги учун асос бўлди<sup>39</sup>. Молия-иқтисод, бюджет, банк-кредит тизимлари, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш учун республикада етарли даражада мустақамлик захираси ва зарур ресурслар базаси яратилди.

Умуман, миллий иқтисодиёт асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича ижобий тенденциялар билан тавсифланади. Шундай қилиб, ЯИМ ўсиш суръати 2016 йилда 7,8%<sup>40</sup>ни ва 2000-2016 йиллар мобайнида ЯИМ ҳажми 2 баробардан зиёд ошди (1.1.1-жадвал). Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва комплекс ҳолда амалга оширилган ҳамда замонавий давлатчиликни куриш ва ривожлантиришнинг "ўзбек модели"нинг стратегик тамойиллари эвазига бу кўрсаткичларга эришилди.

---

<sup>39</sup> Социально - экономическое развитие постсоветских стран: итоги двадцатилетия. –М .: ИЭ РАН, 2012. – 400 с.

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилдаги ижтимоий – иқтисодий ривожланиш яқунлари тўғрисида. Электрон ресурс. Кириш тартиби: <https://mineconomy.uz/ru/node/1478>



**Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ривожланишининг 2000-2017  
йиллардаги асосий динамик кўрсаткичлари<sup>41</sup>**

<b>Иқтисодиётни ривожлантириш кўрсаткичлари</b>	<b>2000 й.</b>	<b>2011 й.</b>	<b>2015 й.</b>	<b>2016 й.</b>	<b>2017 й.</b>
ЯИМ нинг ўсиш суръати	3,8	8,3	8,0	7,8	5,3
ЯИМ аҳоли жон бошига АҚШ долларида <sup>42</sup>	1431	3271	6069	6514	
Бюджет камомати	-4,2	+0,3	+0,1	+0,1	+0,1
Иқтисодиётнинг солиқ юки, ЯИМ нисбатан % да	39,5	22	20,7 <sup>43</sup>	19,1	19
Нарх индекси (инфляцияда даражасида) % да	н/д	7,3	5,6	5,7	14,4
Ташқи қарз, ЯИМ га нисбатан % да	н/д	17,5	18,5	15,9 <sup>44</sup>	
Саноат корхоналарининг ЯИМдаги улуши, % да	14,2	24,1	33,1	32,9 <sup>45</sup>	33,5 <sup>46</sup>
Хизматларнинг ЯИМ даги улуши,% <sup>47</sup>	37	47,8	48,7	49	47,3
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, %	31,0	54,0	56,7	56,9	53,3
Джинни коэффиценти	0,39	0,30	0,28 <sup>48</sup>	0,27	

<sup>41</sup> Манбаа: Ўзбекистон Республикаси Давлатқўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

<sup>42</sup> Жаҳон банки маълумотлари асосида. Электрон ресурс. Кириш тартиби: <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.PCAP.PP.CD?end=2016&locations=UZ&start=1990&view=chart>

<sup>43</sup> 2016 йилда Ўзбекистон иқтисодиётида солиқ юки 19,1% гача пасаяди. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби. URL:<http://review.uz/index.php/novosti-main/item/5300-nalogovoe-bremya-ekonomiki-uzbekistana-v-2016-godu-snizitsya-do-19-1>.

<sup>44</sup> Жаҳон банки прогнози. Электрон ресурс. Кириш тартиби: <https://www.uzdaily.uz/articles-id-26212.htm>

<sup>45</sup> 2016 йилда Ўзбекистон ЯИМ 200 трлн. сўмни ташкил этди. Электрон ресурс. Кириш тартиби: <http://kommersant.uz/news/uzbekistan-vvpi-200-trln-2016>

<sup>46</sup> <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/3213-proizvodstvo-valovogo-vnutrennego-produkta22>

<sup>47</sup> <https://stat.uz/>

<sup>48</sup> Каримов И.А. Наша главная цель – несмотря на трудности, решительно идти вперед, последовательно продолжая осуществляемые реформы, структурные преобразования в экономике, создавая ещё более широкие возможности для развития частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса // Народное слово, 16 января 2016 г.

2015-2019 йилларда иқтисодий диверсификация қилиш ислоҳотларни давом эттириш, таркибий ўзгаришларга доир дастурлар ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имконини берди.

2015-2019 йилларда иқтисодий янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича комплекс дастурни амалга ошириш ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имконини берди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг<sup>49</sup> дастлабки маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилга мўлжалланган ялпи ички маҳсулоти жорий нархларда 249136,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 5,3% га ортди. Ялпи ички маҳсулот дефлятор индекси 2016 йил нархларига нисбатан 118,9 % ни ташкил этди.

2017 йил охирида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот 7 692 минг сўмни ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 3,6 фоизга кўпдир.

Иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодийнинг асосий тармоқларининг ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Миллий иқтисодийнинг барча тармоқлари томонидан яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) умумий ЯИМнинг 89,8 фоизини ташкил этди ва 5,3 фоизга ўсди. Ялпи ички маҳсулот таркибида маҳсулотлар бўйича соф солиқлар 10,2% ни ташкил этди ва шунга ўхшаш ўсиш 5,3% ни ташкил этди (ЯИМ ўсишининг улуши 0,5 фоиз даражада). Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМнинг ўсиш суръати, 1.1- расмда акс этган.

---

<sup>49</sup> Каримов И.А. Наша главная цель – несмотря на трудности, решительно идти вперёд, последовательно продолжая осуществляемые реформы, структурные преобразования в экономике, создавая ещё более широкие возможности для развития частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса //Народное слово, 16 января 2016 г.



### 1.1- расм. 2017 йилда ЯИМ нинг фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари

Ўтган 10 йил мобайнида ЯИМ ҳажми икки баравар ўсди. 2016 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бўйича халқаро консалтинг компанияси Focus Economics<sup>50</sup> рейтингига дунё мамлакатлари рейтингига Ўзбекистон дунёнинг 127 мамлакатлари орасида еттинчи ўринни эгаллади.

Мамлакат макроиқтисодий муҳитини ўрганиши бўйича олиб борилган таҳлил 2017 йилда иқтисодиётнинг барқарор юқори суръатларда ўсишига асосий омиллари бўлиб қуйидагилар таъсир этганлигини кўрсатди:

- ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига хизмат кўрсатиш соҳаси энг катта ҳисса қўшган, бу ўтган йилга нисбатан 6,9% кўпдир. Унинг таркибида савдо ва умумий овқатланиш ва яшашга доир хизматлар 3,9% га ўсди (ЯИМ таркибидаги улуши - 11,5%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 8,9% (11,0%) ва бошқа хизматлар соҳалари бўйича - 7,3% га (24,8%)га ўсган;

- саноатнинг қўшилган қиймати 4,6% га ўсди ва бу ялпи ички маҳсулот таркибида 26,7 % ни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқаришида ЯИМ ўсишининг ижобий ҳиссаси 1,1 фоиз даражасида баҳоланмоқда. Умуман олганда саноатнинг

<sup>50</sup> <https://www.focus-economics.com/countries/uzbekistan>

ўсиши кон қазииш ва қазиб олиш (114,6%) саноатида қўшимча қийматининг ўсиши ва қайта ишлаш саноатининг (102,8%) ўсишига боғлиқ бўлди.

- қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчиликда ижобий ўсиш суръати 2,0% даражасида қайд этилди. Ушбу тармоқнинг ЯИМ таркибидаги улуши 19,2% ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик соҳаларининг ўсиши ҳисобига ЯИМ ўсиши 0,4 фоиз даражага ўсди;

- ялпи ички маҳсулот таркибида бирламчи сектор (қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик) 2016 йилда 18,1 фоиздан 2017 йилда 19,2 фоизга, иккиламчи секторда (саноат ва қурилиш) 32,9 фоиздан 33 фоизгача ўсиши кузатилди. Ялпи ички маҳсулот таркибидаги учинчи сектор (хизматлар) улуши 49,0% дан 47,3% гача камайди;

- 2017 йилда ЯИМнинг мулкчилик шаклидаги тузилмасида умумий ҳажмининг 81,0% и давлатнинг нодавлат секторига, 19,0% и эса давлат секторига тўғри келади.

Асосий воситалар бўйича инвестициялар ҳажмининг ўсиши жорий даврда 60 719,2 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,1% ташкил этганлиги макроиктисодий кўрсаткичларнинг ижобий динамикасига таъсир кўрсатди. Агар ушбу кўрсаткични молиялаштириш манбалари бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, жорий даврда асосий капиталда жалб қилинган маблағлар улуши асосий капиталга киритилган инвестициялар 34 млрд. 573 млн. сўмни ёки 56% ни, корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 26673,5 млрд. сўм ёки 44% ини ўзлаштирди.

Жалб қилинган маблағлар таркибида тўғридан-тўғри ва бошқа кафолатланмаган хорижий инвестициялар ва кредитлар катта улушни ташкил этади. Тўғридан-тўғри ва бошқа кафолатланмаган хорижий инвестициялар ва кредитлар асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 20,4% ва 36,4% ни ташкил этди.

Хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан жорий даврда 16309,0 млрд.сўм ёки асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 26,9 фоизи ўзлаштирилди. Жорий йилнинг январ-сентябр ойларида улар учун ўсиш суръатлари пасайиши кузатилди, лекин йил охирида уларнинг ўсиш суръати сезиларли даражада ошди. Бу газни қайта ишлаш заводини қуриш ва Қандим конлари гуруҳини ташкил этиш лойиҳаси билан боғлиқ. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қафолати остида хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига қуйидаги йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, жумладан, "Ангрен" ЭИХда конвеер ленталари, қишлоқ хўжалиги ва автомобил шиналари ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, азот кислотасини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида тозалаш иншоотлари ва канализация тармоқларини реконструкция қилиш, Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларида ичимлик суви таъминотини яхшилаш, минтақавий автомобил йўлларини ривожлантириш (2 ва 3 босқичда), Тошкент ва бошқа шаҳарларда кўча ёритиш тизимига энергия самарадорлиги юқори технологияларни жорий этиш шулар жумласидандир. Хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ҳудудий кесимида Республиканинг учинчи ҳудудларида умумий хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ўзлаштириш 76 фоизни ташкил этди. Юқорида санаб ўтилган йирик инвестиция лойиҳалари айнан шу ҳудудларда амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади.

Ташқи савдо таҳлиллари. Республиканинг ташқи савдо айланмаси 2017 йилда 27,0 миллиард долларни ташкил этди, жумладан, экспорт 14,0 миллиард доллар, импорт эса 13,0 миллиард долларга тенг бўлди. Ташқи савдонинг баланси 945,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Сўнгги йилларда республикада экспорт тузилмаси таркиби ўзгарди ва деярли барча товарлар ва хизматлар гуруҳлари ўсди. Машина ва ускуналар экспорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 60,1 фоизга ошди, бу кўрсаткич трансформатор ва аккумуляторлар экспортининг - 54,8 фоизга, кабел ва сим маҳсулотлари экспортининг - 33,3 фоизга, қозонхоналар, ускуналар ва механик қурилмалар ва уларнинг қисмлари экспортининг - 24,0

фоизга ўсиши ҳисобига амалга ошди. Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажми 26,1 фоизга ошди. Бу эса спиртли ва алкогольсиз ичимликлар экспортининг 61,1 фоизга, буғдой экспортининг 32,2 фоизга, мева-сабзавот ва қайта ишлаш маҳсулотлари экспортининг 15,6 фоизга ўсиши билан боғлиқдир.

2017 йилда умумий ташқи савдо баланси 945,5 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан унинг тракибида МДҲ давлатлари улуши 809,5 млн. АҚШ доллари ва бошқа мамлакатлар улуши 136,0 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

МДҲ мамлакатлари орасида асосий ташқи савдо ҳамкорлари - Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон ва Тожикистон бўлиб, улар ташқи савдо айланмасининг 28,7 фоизини ташкил этади, бошқа мамлакатлар - Хитой, Туркия, Корея Республикаси, Германия, Афғонистон, Бразилия, Ҳиндистон, Эрон, Латвия, Литва, Франция, АҚШ, Италия жами ташқи савдо айланмасининг 41,6 фоизини ташкил этди.

Иқтисодёт назарисида барқарор иқтисодий ўсиш ҳақида тушунча мавжуд бўлиб, у барқарор ривожланишининг ажралмас қисми ҳисобланади<sup>51</sup>.

Барқарор ўсишни қандай мезонлар асосида аниқлаш мумкин? Барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари - бу макроиқтисодий кўрсаткичларнинг узоқ муддат давомида (одатда камида беш йил) ушбу кўрсаткичларнинг доимий ўсиши пропорционал суръат асосида сезиларли тебранишларисиз амалга ошадиган ижобий ўсиш динамикасидир.

Барқарор иқтисодий ўсишга қандай қилиб эришиш мумкинлиги ҳақидаги саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Энг аввало, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва улардан самарали фойдаланишга таъсир қилувчи омилли ресурсларни ҳисобга олишимиз керак. Уларнинг таркибига нималар киради? Унинг таркибига қуйидагилар: табиий

---

<sup>51</sup> Гайибназаров Б.К. Обеспечение макроэкономической стабильности в Узбекистане служит развитию благосостояния населения. Электронный ресурс: <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/3249-obespechenie-makroekonomicheskoy-stabilnosti-v-uzbekistane-sluzhit-razvitiyu-blagosostoyaniya-naseleni-ya>

ресурслар миқдори ва уларнинг сифати; меҳнат ресурслари сони ва интеллектуал қобилиятлари; асосий капиталнинг ҳажми; замонавий технологиялар киради.

Ўзбекистонда моддий қийматликлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг динамик (барқарор)лик хусусияти шундаки, бир томондан, ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш, шунингдек, илмий - техник тараққиётнинг натижаси бўлса, бошқа томондан мавжуд ресурсларни ўзлаштириш имкониятларига бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бирга, иқтисодий ўсишни таъминлашда, ички капитал етишмаслигининг мавжудлиги ташқи иқтисодий омиллар, айниқса, хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ролини оширади.

Ялпи ички маҳсулот ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажмининг ўсиши ёки пасайиши натижасида нима юзага келади?

ЯИМ мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини ифодаловчи ва фуқароларнинг фаровонлигини кўрсатувчи муҳим кўрсаткичдир.

ЯИМ ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўсиши - мамлакат иқтисодиёти ва унинг аҳолиси учун яхши бўлади. Бу кўрсаткичнинг пасайиши иқтисодиётда муаммоларнинг келиб чиқиши ва аҳолининг фаровонлигини пасайишини англатади.

Статистик маълумотларга кўра, 2016 йилда Ўзбекистонда реал нархлар бўйича ЯИМ ҳажми 199 трлн. ёки 67 миллиард долларни ташкил этди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 6,2 млн. сўм ёки 2106 АҚШ долларини ташкил этди. 2016 йилда долларнинг ўртача йиллик айирбошлаш курси 2966 сўмни ташкил этган.

*Маълумот учун: 2017 йилда долларнинг ўртача йиллик айирбошлаш курси 5121,1 сўмни ташкил этди.*

2017 йилда Ўзбекистонда ўртача иш ҳақи 1453 минг сўмни (ўсиш суръати 12,3%) ёки 283,8 АҚШ долларини ташкил этди. Ўтган йил билан таққослаганда иш ҳақи миқдори 436,2 АҚШ долларига камайган. Бироқ, 2016 йилда долларнинг расмий курси товарларнинг ҳақиқий қийматини, шунга мувофиқ иш ҳақининг

реал тўлов қобилиятини ҳам акс эттирмаган. Шунинг учун 2016 йилдаги "қора" бозор курсида иш ҳақини ҳисобга олсак, унда унинг қиймати 201,7 АҚШ долларини ташкил этади. Натижада, 2017 йилда "қора" бозор курси бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг миқдори 184,6 АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2016 йилга нисбатан иш ҳақи 17,1 АҚШ долларига ёки 8,5 фоизга камайган.

Шу билан бирга, халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, девалвация натижасида инфляция жараёни кучаяди, шунинг учун истеъмол қобилиятининг пасайиши табиий ҳисобланади. Ушбу ҳолатда аҳолининг камбағал ёхуд қашшоқ бўлиб қолиши ҳақидаги саволга жавоб бериш учун ЯИМни харид қобилиятини кўриб чиқиш зарур.

2017 йил якунларига кўра, республика ЯИМ умумий ҳажми сотиб олиш қобилияти паритети бўйича 223,6 миллиард АҚШ долларини, аҳоли жон бошига эса 6903,4 АҚШ долларини ёки ЯИМнинг жон бошига ўсиши 378 долларни (5, 8%) ташкил этди. Бу факт ижобий деб ҳисобланиб, келгусида аҳоли камбағаллаши ёки қашшоқлашиши ҳақида гапириш учун ҳеч қандай асос йўқ.

*Маълумот учун: Жаҳон банки маълумотларига кўра, мамлакатимизда 2016 йилда умумий ялпи ички маҳсулот сотиб олиш қобилияти паритети бўйича 207,8 миллиард долларни, аҳоли жон бошига эса 6525,3 АҚШ долларини ташкил этди.*

2018 йилда девалвация ЯИМга (доллар бўйича) сезиларли таъсир кўрсатади. Унга кўра, кейинги йил номинал ЯИМ 290 трлн. сўмга ёки 1 АҚШ доллари 8050 сўм миқдорида 36 миллиард АҚШ доллар (аҳоли жон бошига \$ 1125) ига эришади. Шу билан бирга, яқин йилларда реал иқтисодий ўсиш ҳисобига аҳоли жон бошига сотиб олиш қобилияти паритети ва фуқаролар фаровонлиги бўйича реал ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши кутилмоқда.

Айирбошлаш курсининг девалвацияси ҳақидаги савол доирасида, жаҳон тажрибасига асосланиб шуни айтиш мумкинки, АҚШ долларига ҳисобланган аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ кўрсаткичи бўйича ва ўтган йилларга нисбатан ўртача иш ҳақининг пасайиши каби ҳолат табиий ҳодиса ҳисобланади. Бундан ташқари, аҳолининг асосий истеъмол харажатлари миллий валютада



амалга оширилаётганини ҳисобга олсак, ушбу ҳолат аҳолининг харид қилиш кучи пасайганлигини англамайди.

Худди шу ҳолат қўшни мамлакатларда ҳам кузатилган. Мисол учун, девалвация туфайли Қозоғистонда 2016 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 2011-2015 йиллардаги ялпи ички маҳсулот ҳажмига таққосланганда 200-230 дан 123,2 миллиард АҚШ долларига ёки қарийб 100 миллиард АҚШ доллари (46 фоиз) (2017 йилда бу кўрсаткич 126,3 миллиард АҚШ долларни ташкил этди) га камайди. Шунга кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ва ўртача иш ҳақи ҳам доллар эквивалентида камайган. Худди шундай тенденция Россия Федерациясида ҳам кузатилмоқда.

2019-2020 йилларда Ўзбекистонда ЯИМ ҳажми АҚШ доллариди ўсиши прогноз қилинмоқда, бу эса доллар курсининг ўсиши ҳақида маълумот бермоқда. Бу ҳолатда, экспорт ҳажми ва унинг ЯИМдаги улушининг ўсиши ЯИМни доллардаги ифодасининг ўсишида асосий омил бўлиб қолади.

Бугунги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар Стратегияни амалга ошириш доирасида Республикада кенг миқёсли институционал ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947<sup>52</sup>-сонли Фармони билан тасдиқланган ҳаракатлар Стратегияси мамлакатнинг давлат ва ижтимоий ривожланиш истиқболларини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатидан янгича ёндашувни белгилаб берди.

Стратегик тараққиётнинг устувор йўналишларини амалга оширишнинг бошланғич механизми сифатида ҳукумат «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да ҳаракатлар Стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастурини тасдиқлади.

---

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2017 й., № 6, 70 бет, № 20, 354 бет, № 23, 448 бет, № 29, 683 бет, 685 бет, № 34, 874 бет, № 37, 982 бет

2017 йил якунлари дастлабки натижаларига кўра, Давлат дастурини самарали амалга оширишга йўналтирилган давлат органлари, ноҳукумат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, хорижий мутахассислар ва халқаро экспертларни фаол жалб этган ҳолда кучларнинг бирлашиши кузатилмоқда.

Бугунги кунда ҳаракатлар Стратегияни амалга ошириш доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 19 та қонун ва 700 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон бизнес тизимида динамик тавсифга эга ва реал мулк эгаларининг синфини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи субъектив омилларни максимал даражада камайтиришга қаратилган ҳуқуқий соҳани шакллантириш жараёнига эътибор қаратиш лозим. Шундай қилиб, ҳуқуқий - меъёрий асосни такомиллаштириш икки йўналишда амалга оширилади, айнан:

- тадбиркорликнинг асосий эҳтиёжларини акс эттирадиган ва унинг субъектлари учун умумий қоидаларни белгилайдиган ягона, бирлаштирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни яратиш;
- тартибга солиш тизимининг етишмаётган элементларини тўлдириш билан амалдаги ҳуқуқий меъёрларни тизимлаштириш.

Иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим таркибий қисми тадбиркорликни янада ривожлантириш учун максимал бизнес муҳитини шакллантиришдир. Ушбу соҳадаги асосий йўналишларидан бири келгусида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг назорат ва бошқарув функцияларини янада қисқартириш, маъмурий ҳаракатларни соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни бартараф этишдан иборат.

Мамлакатда тадбиркорларнинг давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан муносабатларида улар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий қилинган. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишни соддалаштириш ва кўмаклашиш мақсадида 40 дан ортиқ

меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар ва қўшимчалар киритилди<sup>53</sup>. Хусусан, янги киритилган тартибга кўра, агар шахс солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятларни биринчи марта содир этган бўлса, қонун бузилиши аниқлангандан сўнг 30 кун ичида давлатга етказилган зарар тўлик қопланган бўлса, жиноят иши қўзғатилмайди ва шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларнинг қонундаги ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилишда суд тизимининг ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Судлар тадбиркорлик субъекти томонидан шикоят қилинганда тегишли даъвони кўриб чиқиш даврида назорат органининг қарорини бажарилишини тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Солиқ ва божхона қонунчилигини бузганлиги сабабли тадбиркорлик субъектларнинг мол-мулки фақат суд қарорига кўра олиб қўйилиш меъёри қонунчиликка киритилди, даъвони кўриб чиқиш вақти сезиларли даражада қисқартирилди.

Ҳозирги кунда микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг қарори билан режали равишда ҳар тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун эса ҳар уч йилда бир марта амалга оширилади.

Ислоҳотлар доирасида давлатнинг институтчионал сиёсатини тегишли даражада рақобат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган зарур ҳуқуқий доира ва институтлар таъминлайди. Бундай ҳолатда, бизнинг фикримизча, давлат бозор механизмлари бозорни ҳаддан зиёд тартибга сола олмаган ҳолда ушбу томоилдан келиб чиқиб иш олиб боради. Акс ҳолда, рақобат корхоналар

---

<sup>53</sup> Report for Selected Countries and Subjects. Электрон ресурс. Кириш тартиби URL:<http://www.imf.org/external/pubs/ft/weo/2015/01/weodata/weorept.aspx?pr>.

фаолияти эркинлигини чеклайдиган давлат томонидан тартибга солиш тизими билан алмашиш хавфи юзага келади. Бундай сиёсат, биринчи навбатда, реал бозор рақобатини босим остида қолишига, иккинчидан, потенциал кучли миллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорлардаги рақобат курашларида рақобатбардошлигини заифлаштиришига олиб келиши мумкин. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган "Ўзбек модели" нинг асосий тамойилларига зид келади.

Глобаллашув жараёнлари таъсирининг кенгайиши, ички ва ташқи товар бозорларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг келгусидаги рақобатбардошлигини ошириш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурлигини талаб қилади. Республикада монополияга қарши қонунчиликни такомиллаштиришда рақобат сиёсатининг асосий тамойилларидан келиб чиқувчи - монополист корхоналар фаолиятини қаттиқ тартибга солишдан, уларнинг бозордаги рақобатга зид бўлган хатти-ҳаракатлари ҳақида огоҳлантиришга ўтиш керак. Бунда корхонанинг устун мавқеи, унинг самарали фаолият кўрсатаётганлиги ва ташқи бозорда рақобатбардошлик бўйича муҳим устунликка эришаётганлигидан дарак бераётганлигини эътиборга олиш керак. "Рақобат тўғриси" даги Қонунининг янги таҳририни қабул қилиш, бизнинг фикримизча, рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларни мустаҳкамлайди, бу эса ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг шаффофлиги ва самарадорлигини оширади, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шароитлар яратади. Бу республикада рақобатни ривожлантириш ва товар ва хизматлар бозорларида уни ҳимоя қилишнинг энг муҳим жиҳати бўлиб ҳисобланади.

Шу муносабат билан биржа савдосининг энг муҳим ютуқлари, яъни фьючерс шартномалари, савдо терминали ва шошилиш бозор учун ахборот панелининг киритилиши, биржа хизматлари учун тўловлар хажмининг пасайтирилиши каби янги воситаларнинг ишга туширилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг рақобат имконияти доираси кенгайтирилди, бу эса бутун республикани қамраб оладиган

кенг миқёсли ҳудудий тармоқнинг мавжудлиги, биржа битимларини кафолатли амалга ошириш, энг янги ахборот - биржа технологиялари, савдо воситаларининг кўплаб имкониятлари, юқори даражадаги ахборот хизматлари сервиси, воситаларни савдо механизмларининг бутун тизимини тартибга солувчи меъёрий-услубий таъминотнинг мавжудлиги биржа майдонларининг жозибадорлигини оширади.

Давлат тузилмалари кўмагида Республика иқтисодий комплексида биржали товар бозори турли сегментларида биржа битимларини амалга ошириш қоидалари сезиларли даражада такомиллаштирилди ва савдога қўйиладиган маҳсулот хажми ва ассортименти ошди. Замонавий савдо майдончалари брокерларга биржа савдоларида уларга кўп сонли иштирокчиларни уланишлари орқали ҳар қандай иш жойидан туриб қатнашиш имконини беради.

Янги таҳрираги "Электрон тижорат тўғрисида" ги қонуннинг қабул қилиниши савдоларни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада қисқартирди ва электрон тижорат субъектларининг бир-биридан географик узилиши билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилишига имконият берди, тўғридан-тўғри шартномавий муносабатларни тезкор тарзда ўрнатиш учун шароитлар яратди, операцияларнинг ошқоралигини оширди, бу эса харидор ва сотувчиларга нархлар, сифат ва етказиб бериш шартлари тўғрисида ўз вақтида тўлиқ маълумот олиш учун имконият яратди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг бизнес фаоллиги ва молиявий барқарорлигининг ошиши, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсатини олиб боришга имкон берди<sup>54</sup>. Ҳукумат солиқ базасини кенгайтириш ва солиқ юкини камайтириш стратегиясини амалга оширади, бунга мувофиқ умумий солиқ тушумлари ЯИМда уллуш кўринишида қисқаради. Жами солиқ даромадлари 1991 йилдаги 41,2

---

<sup>54</sup> Попов В. В. Сохранит ли экономика Узбекистана высокие темпы роста? Сценарии развития на 2015–2030 гг. //Журнал Новой Экономической Ассоциации. – 2015. – №. 3. – С. 163-181.

фоиздан 2008 йилда ЯИМга нисбатан 21,5 фоизгача ва 2012-2013 йилларда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 20,5 фоизга камайган. 2017 йилда солиқларни қисқартириш давом эттирилди, ЯИМ га умумий солиқ тушумларининг камайиши 19,1% га етди, бу солиқ қонунчилигига амал қилиш даражасини ошириш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш мақсадида амалга оширилди.

Давлат босқичма-босқич энг юқори солиқ ставкаларини камайтириб бормоқда. 2000 йилда жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ энг юқори 40% фоизлик ставкадан 23% гача, 2014 йилда эса беш минимал иш ҳақидан ошмайдиган даромадларга солиқ ставка 7,5% гача камайтирилди. 2015 йилдан бошлаб энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан ошмаган даромад солиғи ставкаси нолга камайтирилди. Корхоналар даромад солиғи 2014 йилда 2000 йилдаги 31% дан 8% гача ва 2016 йилда 7,5% гача қисқартирилди. Тижорат банкларининг солиққа тортиш даражаси ўзгаришсиз қолди ва 15 фоизни ташкил этди<sup>55</sup>.

Номинал ялпи ички маҳсулот (жорий нархларда) 25,3% га ошди ва реал ЯИМ (таққослама баҳоларда) 5,3% га ўсди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,6 фоизга, қурилиш ишлари 5,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги 2,0 фоизга, жами хизматлар ҳажми 6,9 фоизга ўсди. Товарлар ва хизматлар экспорти 12,3% га ошди, инфляция даражаси 14,4% га тенг бўлди.

2017 йилда тадбиркорлик субъектларининг инвестицион фаолиятининг ўсиши микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 5 фоизигача пасайишига имкон берди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, техник ва технологик янгилаш, мамлакат иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган инвестицияларни жалб этиш борасида жиддий иш олиб борилаётганлиги диққатга сазовор. Кичик бизнес ва

---

<sup>55</sup> 2017 йил учун Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2016 й., № 52, 601 бет; 2017 й., № 6, 77 бет, № 11, 158 бет, № 13, 201 бет, № 14, 216 бет, № 22, 411 бет, № 25, 533 бет, № 33, 843 бет

хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш учун кичик бизнес субъектларининг миллий валютадаги ҳисобварақлари бепул очилмоқда ва уларнинг кредит бўйича аризалари тижорат банклари томонидан уч банк кунида кўриб чиқилмоқда.

Мамлакатда банкларнинг капиталлашув даражасини, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш ва банкларнинг инвестицион фаоллигини кенгайтириш бўйича мақсадли ва изчил ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шундай қилиб, Ўзбекистон банкларининг умумий капитали 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 20,5 фоизга, яъни 9,4 трлн. сўм (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йил 1 январдаги курси бўйича 2,9 млрд. АҚШ доллар) га ошган. Ўзбекистон банкларининг жами активлари 2016 йилда 23,3% га ошиб, 80,4 трлн. сўм (24,5 млрд. доллар), кредит портфели - 25,1% га ўсиб, 53,4 трлн. сўмга (16,3 млрд. доллар) ортган. Жами кредит портфелида уч йилдан ортиқроқ муддатга бериладиган кредитларнинг улуши 75 фоиздан ошди. Банклардаги омонатлар миқдори 25,3 фоизга ўсиб, 44,6 трлн. сўм (13,6 млрд. АҚШ доллар) ни ташкил этди<sup>56</sup>.

2018 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистон банк тизимида 28 та тижорат банки, шу жумладан, 3 та давлат, 12 та акциядорлик тижорат банки, 8 та хусусий, 5 та хорижий капитал иштирокидаги банклар фаолият юритмоқда<sup>57</sup>.

Халқаро стандартларга мувофиқ самарали банк назоратини доимий равишда амалга ошириш, ликвидлик ва банк активларининг сифати мониторинги барча тижорат банклари учун халқаро рейтинг агентликларининг "барқарор" рейтингини тасдиқлаш имконини берди. Олти йил давомида Moody's халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари учун "барқарор" прогнозли рейтинг баҳосини бермоқда. Ўзбекистон банк тизимининг

---

<sup>56</sup> Совокупный капитал банков Узбекистана достиг \$2,9 млрд.- Электронный ресурс. Режим доступа: <http://kommersant.uz/news/sovokupnyj-kapital-bankov>

<sup>57</sup> <http://cbu.uz/ru/kreditnye-organizatsii/kommercheskie-banki/golovnye-ofisy/>

фаолияти Standard and Poor's ва Fitch Ratings рейтинг агентликлари томонидан ҳам "барқарор" деб баҳоланмоқда.

Шундай қилиб, барча маҳаллий банклар учта йирик рейтинг агентликларининг "барқарор" рейтингларига эга. Хусусан, Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат сиёсати авваламбор аҳоли турмуш даражасини пасайишининг олдини олишга қаратилган. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши дастурини бир қатор МДХ мамлакатларининг дастурларидан ажратиб турадиган муҳим жиҳати, унинг ижтимоий омилларни ҳисобга олгани бўлди<sup>58</sup>. Бир қатор МДХ мамлакатлари ҳукуматларининг инқирозга қарши дастурларини таҳлил қилиш натижалари, уларнинг асосий йўналиш молиявий секторни барқарорлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш эканлигини кўрсатди. Шунинг учун инқироз даврида аҳоли турмуш даражасини сақлаб қолишнинг ижтимоий компоненти инқирозга қарши дастурлардан ташқарида олиб борилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, саноат корхоналари билан ҳамкорлик асосида касаначиликни таъминлаш, шунингдек янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобидан иш ўринларини яратиш МДХнинг бошқа бир қатор мамлакатларида кузатилган емирилиш даражасидаги ишсизликнинг ўсиши ва жамиятнинг ижтимоий кайфиятида пессимизмни кучайтирмаслик учун кучли тўсиқ бўлди. Дастур чора-тадбирларининг аниқ ижтимоий йўналтирилганлиги фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданиятни ҳар томонлама давлат қўллаб-қувватлашида ҳам ифодаланган. Инвестиция жараёнларига банк тузулмалари, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолини жалб этиш, уларнинг иштирокини янада рағбатлантириш йўли билан ички талабни ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай лойиҳаларни амалга оширишга

---

<sup>58</sup> Попов В. В. Сохранит ли экономика Узбекистана высокие темпы роста? Сценарии развития на 2015–2030 гг. //Журнал Новой Экономической Ассоциации. – 2015. – №. 3. – С. 163-181.



қаратилган замонавий архитектура ва саноатлаштириш асосида қишлоқларни тубдан қайта қуриш ва ташқи қиёфасини ўзгартириш асосида қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасини ошириш, уни шаҳар шароитларига тенглаштиришга йўналтирилган, қишлоқларда уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва қуриш бўйича Дастур бунга мисол бўла олади.

Яқунда шуни айтиш мумкинки, ҳар бир мамлакат барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳаракат қилади, чунки у биринчи навбатда миллий маҳсулот ва даромадларни оширишга, иккинчидан, ресурслардан оқилона фойдаланишга, учинчидан, янги эҳтиёж ва имкониятлар пайдо бўлишига, тўртинчидан, мамлакатнинг халқаро бозорда обрўсини ошириш ва энг муҳими, фаровон ҳаётни таъминлашга олиб келади.

Бошқача қилиб айтганда, барча иқтисодий ислоҳотлар халқ фаровонлигини ошириш ва яхшилаш каби битта мақсадга эришишга қаратилган.

### **Хулосалар**

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, республиканинг рақобатдошлигини ошириш стратегияси рақобат афзаллиги манбаларига айланадиган ҳудудий ва тармоқ хусусиятларига асосланган ҳолда қурилмоқда. Шу билан бирга, рақобатбардошликнинг ўсиш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, бизнинг фикримизча, ички иқтисодий сиёсатнинг асосий таркибий қисмларини тўғри комбинациялашга боғлиқ бўлиб, шунда улар бир-бирини ўзаро тўлдиради ва кучайтира олади, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- самарали фискал ва пул-кредит сиёсатини олиб бориш орқали барқарор макроиқтисодий ўсиш ва назорат қилинадиган инфляцияни таъминлаш;

- корхоналарга солинадиган солиқ юқини янада камайтириш, бу қуйидагиларни талаб қилади:

- ✓ дунёнинг аксарият мамлакатларида қабул қилинган асосий ишлаб чиқариш фондларининг фаол қисмини мулк солиғидан озод қилиш. Шу мақсадда

мол-мулк солиғи ўрнига кўчмас мулк солиғини тўлашга босқичма-босқич ўтиш талаб этилади;

✓ ягона ижтимоий тўлов ставкасини мунтазам равишда пасайтириш, шунингдек, ҳозирги кунда ҳар бир ишловчидан ҳар ойда бир минимал иш ҳақи ҳажмида ундирилувчи энг кам тўлов миқдорини камайтириш (ёки тўлиқ бекор қилиш);

✓ айрим корхоналар учун имтиёз ва преференциялар бериш амалиётини бекор қилиш, бунинг ўрнига иқтисодиётни рағбатлантирувчи тармоқларидаги барча корхоналарга камситилмайдиган асосда имтиёзлар бериш;

✓ инвестиция имтиёзларини (шу жумладан, модернизациялаш бўйича ҳам) беришни, муайян тўловларни тўлашдан озод қилиш шаклида эмас, балки шартли солиқ кредити шаклида тавсия этиш. Шунда, солиқ ва божхона кодекслари бўйича имтиёзлар ва халқаро шартномалар бўйича имтиёзлар сақлаб қолинади.

• бизнесни ташқи маблағлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бу қуйидагилар асосида амалга ошади:

а) *ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш*. Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда банк кредитлари ташқи молиялаштиришнинг бошқа манбалари билан тўлдирилиши керак, бу эса ўз навбатида, "ўрта" корхоналарни ривожланишининг турли босқичларида молиялаштиришни кенгайтириш имконини беради. Бунинг учун, бизнинг фикримизча:

• хусусий акциядорлик капитали бозорини тартибга солишнинг самарали тизимини яратиш;

• экспорт потенциалига эга истиқболли бироқ, капитал, технология ва кадрлар етишмаслиги билан тўқнаш келувчи корхоналарга инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун янги воситаларни жорий этиш;

- корхоналарнинг инновацион фаолиятини рағбатлантиишга имкон берувчи рискли молиялаштириш фондлари (венчур фондлар) ни ташкил қилиш бўйича чораларни амалга ошириш каби тадбирларни амалга ошириш зарур.

б) *банк хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш қуйидагиларни тақазо қилади:*

- иқтисодий оборотга аҳолининг активлари (кўчмас мулк, ер, бошқа мол-мулк) ни кафолат сифатида жалб қилишнинг аниқ ва қулай механизмларини яратиш, бу айниқса бошланғич тадбиркорлар учун муҳимдир;

- бозор талабларига мувофиқ тақдим этиладиган банк хизматлари турларини кенгайтириш, шунингдек ҳар қандай сотув нуқтасида (ёки масофавий) мавжуд бўлган ҳар қандай хизматларни тақдим этиш имкониятини яратиш;

- самарали модернизациялаш ва таркибий ислоҳотларни чуқурлаштиришни назарда тутувчи ва иқтисодиётда ресурслардан фойдаланиш ва тақсимлаш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган экспортга йўналтирилган саноатлаштириш стратегиясини шакллантириш;

- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг юқори сифатини таъминлаш;

- табиий монополиялар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларнинг самарали ишлаши;

- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш;

- хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шартномалар бажарилишини кафолатлайдиган иқтисодиётни қонун йўли билан тартибга солиш тизимини таъминлаш;

- фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий консенсусини таъминлаш, аҳолининг асосий иқтисодий гуруҳлари ва қатламлари ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикликни ривожлантириш.

## **2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ РИВОЖЛАНИШ ЖИҲАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

### **2.1. Тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг меъёрий - ҳуқуқий асослари**

Республикада бозор муносабатларини муваффақиятли ривожлантириш ва иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий шарти - мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги ҳисобланади. Иқтисодий тизимини ўзгартириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш мулкчиликнинг барча таркибий тузилмалари ва уни амалга ошириш шакллариини тубдан ўзгартиришни талаб қилди. Фақат қулай ишбилармонлик муҳитини таъминлаб ва ҳар бир шахснинг манфаатларини рўёбга чиқаришнинг самарали механизминини яратиш орқали Республика янгилашиш ва тараққиёт йўлидан боришга муваффақ бўлди. Шу муносабат билан, Ўзбекистонда иқтисодиётни бозор муносабатларига ўзгартириш, миллий бозорни зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан тўлдириш, янги иш жойларинини яратиш ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконинини берадиган кичик тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларинини ҳал қилиш билан чамбарчас боғлиқдир.

1991 йил февралда "Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти тўғрисида" ги Қонуннинг қабул қилиниши билан тадбиркорлик соҳасинини шакллантириш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий майдонни шакллантириш бошланди. Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятларинини тўлиқ рўёбга чиқариш асосида бозор муносабатларинини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларинини жадаллаштириш, уларнинг тадбиркорлик фаоллигинини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларинини белгилашга йўналтирилган эди. Унда мамлакатда тадбиркорлик фаолиятинини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Қонун тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигинини кафолатлади, уларнинг

ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб берди, тадбиркорларнинг бошқа корхона ва ташкилотлар, давлат органлари билан муносабатларини тартибга солди. У шунингдек, мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шаклларини танлаш эркинлигини, уларнинг тенг ҳуқуқли ишлаши, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобат шароитларини шакллантиришга имкон берди.

1992 йил декабрь ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида "Ўзбекистон иқтисодиётининг асоси бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган мулкчилик - унинг турли шаклларида ташкил топади. Давлат истеъмолчилар ҳуқуқларининг устуворлиги, мулкчиликнинг барча шакллари тенг ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат эркинлигини кафолатлайди" деб айтиб ўтилди.

Миллий иқтисодиётнинг кўп тузилмалилигини ва энг муҳими, фуқароларнинг корхоналар, ишлаб чиқариш воситалари, мулкдорга тегишли мулкдан фойдаланишнинг ҳўжалик натижалари бўйича хусусий мулк ҳуқуқларини эътироф этадиган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратди.

1992-1993 йилларда кичик хусусийлаштириш амалга оширилди, натижада савдо, хизмат кўрсатиш, маҳаллий, енгил, озиқ-овқат саноати, автомобил-транспорт, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тизимидаги 54 мингдан зиёд кичик ва ўрта корхоналар деярли бутунлай хусусий мулкка айланди. Қишлоқ ҳудудида нодавлат мулкчилик асосида агрофирмалар, деҳқон ҳўжаликлари ва бошқа турдаги ҳўжалик бирлашмалари ташкил қилиш орқали хусусийлаштириш жараёни амалга оширилди.

Тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш учун шароитларни яратиш мақсадида 1994 йил январ ойида 21 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-745-сонли "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>59</sup> ги Фармони эълон қилинди. У ўзида мамлакатда мулк эгалари синфини шакллантириш учун қулай муҳитни шакллантиришнинг кейинги босқичини маълум қилди. Ушбу ҳужжатда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича давлат дастурини тайёрлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Унга кўра, ёпиқ шаклдаги акциядорлик жамиятлари очик шаклдаги жамиятларга айлантирилди, фуқароларни хусусийлаштириш жараёнига эркин киришини таъминловчи республика кўчмас мулк биржаси ва республика фонд биржаси ташкил этилди. Фармонга кўра, жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, чет элликларга савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини, шунингдек улар жойлашган ер участкаларини, улар томонидан хусусийлаштирилаётган объектларни сотиб олиш учун фойдаланиладиган маблағларнинг манбаларини декларация қилмасдан танлов асосида сотишга рухсат берилди.

Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида, 1994 йилнинг феврал ойида фаолият олиб бораётган мавжуд қўмита негизида давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ташкил этилди. Унинг фаолият йўналишлари ва асосий вазифалари аниқланди:

- кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда ягона сиёсатни олиб бориш, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш дастурларни ишлаб чиқиш ва устувор йўналишларини белгилаш ва хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш;
- давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёнлари ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тегишли тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнларига ташкилий ва услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиш;

---

<sup>59</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 2-сон, 54-модда

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида республика аҳолисининг мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат мулки объектларини мулкчиликнинг бошқа шакллариغا айлантиришдан келиб тушган маблағларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга жалб қилиш;

- давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга инвестициялар, шунингдек, чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг асосий йўналишлари ва шакллари аниқлаш;

- инвестиция фондлари, консалтинг ва аудиторлик хизматлари, холдинглар, фонд биржалари ва кўчмас мулк биржалари, бошқа фондлар ва бошқа бозор тузилмаларини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг шакллантирилиши ва унинг ваколатлари доирасида қабул қилган унинг қарорларини вазирликлар ва идоралар томонидан муқаррар бажарилиши ҳақидаги тегишли ваколатларни берилиши бозор муносабатларини қайта шакллантиришга туртки берди.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусий мулкчиликни шакллантириш жараёни сифатида, ўзида нафақат юридик шахслар, балки жисмоний шахсларнинг манфаатларини амалга ошириш механизмини намоён этади, унинг йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхоналарни сотиш йўли билан ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш (уларнинг устав фондлари ёки алоҳида шаклдаги мулкида улашга эга бўлиш);

- республикада янги мулкдорларга иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар тизими орқали уларнинг ўз ҳуқуқ ва имкониятларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулк орқали эгаллик қилиш ва муаян даромадларга эга бўлиш, ҳамда ўз фаолиятининг самарадорлигини ошириш орқали аҳолининг ўз қобилиятларини намойиш этиш, турмуш шароитини яхшилаш кафолатини бериш.

Шундай қилиб, хусусийлаштириш кичик тадбиркорликни оёққа туриши, иш билан бандлик муаммосини ҳал этишнинг янги йўналишларни жорий этиш, демакки, аҳолининг янги даромад манбаига бевосита таъсир кўрсатиши керак эди.

1994 йилда қонун ҳужжатларида ҳеч қандай чекловлар белгиланмаган иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналарини оммавий хусусийлаштириш бошланди. У 1994 йил март ойида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича Давлат дастурида белгилаб қўйилган устувор йўналишлар, тамоиллар ва услубларга мувофиқ амалга оширилди. Уни амалга ошириш натижасида 5127 та объект хусусийлаштирилди ва қўшимча равишда 4177 та корхона мулк шаклини ўзгартирди. 1992-94 йиллар мобайнида жами 98 мингдан ортиқ давлат объектлари хусусийлаштирилди. Очiq акционерлик жамиятларининг умумий сони 3569 тани ташкил этди. Хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 300 мингга етди, шу жумладан 220 мингдан ортиқ киши якка тартибдаги меҳнат фаолияти патенти асосида ишлади. Ишлаб чиқарилган миллий даромадлар ҳажмида нодавлат секторнинг улуши 53% ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил январ ойида қабул қилинган "Хусусий тадбиркорликни бошлаш ва рағбатлантириш тўғрисида" ги қарори билан ҳақиқий мулкдорлар синфини ривожлантириш учун қулай муҳит яратилишининг навбатдаги босқичи бошланди. Унда социалистик ва собиқ иттифоқ давлатлари амалиётида биринчи марта давлат мулкни хусусийлаштиришдан олинган маблағларнинг 50% кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилди.

1995 йил август ойида Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш Давлат дастури қабул қилинди, унда:

- аҳолининг кенг қатламини бозор фаолиятига қўшиш, қарамлилик, истеъмолчилик психологиясини бартараф этиш, "тадбиркорлик вируси" ни сингдириш, хусусий бизнес билан фаол шуғулланиш истагини уйғотиш;



- қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш билан боғлиқ ҳолда ишдан бўшаган одамларни иш билан таъминлаш учун қишлоқ жойларида янги иш жойларини яратиш;

- қишлоқ жойларида бозор муносабатлари ва инфратузилмасини жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, рақобатни ривожлантириш;

- банк, аудиторлик, консалтинг, воситачилик фаолияти билан боғлиқ айниқса, билим талаб хизматларнинг ҳажмини кескин ошириш;

- хўжалик юритиш самарадорлигини оширишни таъминловчи кичкина мослашувчан ишлаб чиқаришни жорий қилиш, кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш.

Дастур тўртта асосий йўналишга асосланган бўлиб, уни амалга оширмасдан туриб реал мулк эгалари синфини яратиш мумкин эмас эди. Улар ўзида қишлоқ жойларида кичик бизнесни фаол ривожланиши ва фаолият олиб бориш учун бозор инфратузилмаси ва шароитларини яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора - тадбирлари, молиявий таъминот ва ташкилий чора тадбирларни ўз ичига олади .

1995 йил декабрь ойида “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Унда иқтисодиётнинг ушбу соҳасини давлат ва минтақавий даражаларда рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Биринчиси, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, инфратузилмани шакллантириш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун шароит яратиш орқали амалга оширилади. Иккинчисида, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун маҳаллий солиқ ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилаш, танланган минтақавий устуворликлар асосида уни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг устувор йўналишлари қилиб қишлоқ жойларида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини яратиш,

рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш белгилаб олинган.

Иқтисодиётнинг нодавлат секторини, хусусан, кичик тадбиркорликни шакллантириш ва республикада акциядорлик шаклидаги мулкни ривожлантиришни тартибга солиш учун 1996 йилнинг апрелида қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Қонун акциядорлик жамиятини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, бошқариш, акцияларни тақсимлаш ва жойлаштириш, дивидендларни тўлаш қоидаларини тартибга солади. Унда акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Давлат акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди ва давлат ва бошқа органлар томонидан жамиятнинг хўжалик ва бошқа фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, акциядорларнинг ҳуқуқлари акцияларининг улушидан қатъи назар ҳимояланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил августда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни рўйхатга олиш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" ги фармойиши тадбиркорликни ривожлантиришда бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилди. Унда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида мувофиқлаштирувчи органларнинг сонини кескин қисқартиришни таъминлаш тартиби белгилаб берилган. Энди барча келишувлар фақатгина битта босқичда амалга оширилиб, тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар амалдаги қонунчиликка бўйсунган ҳолда рўйхатга олинади. Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари тузилиб, уларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аризачининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни назарда тутувчи ҳужжатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш ва унинг учун зарурий талабнома бериш;

- ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун улардан рухсат олиш ва келишиш учун зарур бўладиган тегишли органларни аниқлаш;

- тадбиркорлик субъектларига юқорида кўрсатилган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш, рўйхатга олишни юритиш, шунингдек уларни солиқ ва статистика органларида рўйхатга кўйиш;

- талабгорга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги гувоҳномани барча рухсат берувчи ҳужжатларни бериш.

Шунингдек, тадбиркорларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш объектларини қуриш учун ер участкаларини мунтазам равишда савдога қўйиш амалиётини жорий этиш ҳам назарда тутилган.

"Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларини ихтиёрийлик асосида бирлаштиришга асос бўлди. Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган нодавлат ноижорат ташкилотдир. Унинг асосий вазифалари бўлиб:

- Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантириш, биринчи навбатда, кичик ва хусусий секторни ривожлантиришга кўмаклашиш;

- тадбиркорларга ишбилармонлик муносабатларини ва хорижий шериклар билан алоқаларни кенгайтиришда, ташқи бозорларда экспортбоп маҳсулотларни илгари суриш, шунингдек рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва амалдаги ишлаб

чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

- бошқа мамлакатлар савдо саноат палаталари ва тадбиркорлар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

- тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва бизнес амалиётини жорий этиш, тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий ва иқтисодий муҳитни яхшилашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда иштирок этиш;

- тадбиркорлик фаолияти учун кадрларни тайёрлаш, таълим тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига асоссиз чекловларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июнда "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги №ПФ-3619 сонли Фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектига етказилган зарар суд қарори асосида тўла ҳажмда қопланиши керак. Тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий низоларни кўриб чиқиш хўжалик ёки ҳакамлик судлари томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни халқаро

амалиётга мувофиқ равишда тақдим этиш тартибини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июнда №ПҚ-100 сонли "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида" ги Қарори эълон қилинган. Ушбу Қарорда 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат солиқ хизмати органларига солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатини ойликдан чоракка қадар ўтказишни назарда тутди. Шу билан бирга, солиқлар, тўловлар, чегирмалар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг даврийлиги сақлаб қолинган.

Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, шунингдек, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2006 йил учун Давлат статистика ишлари Дастурини тайёрлаш доирасида тадбиркорлик субъектлари учун давлат статистика ҳисоботларининг шакллари қайта кўриб чиқдилар. ДСҚ шунингдек, тадбиркорлик субъектларидан давлат солиқ хизмати органлари оладиган молиявий ҳисоботларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш, солиқлар бўйича ҳисобот ва даромадлар ҳақида декларациялар, ёзма ва оғзаки мурожаатлари бўйича, тадбиркорлик субъектлари учун қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш, соддалаштирилган иш графиги ва қулай шарт-шароитларни яратишни назарда тутувчи Низомни тасдиқлади. Фармонга кўра давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари томонидан тадбиркорлик субъектларидан ҳар қандай белгиланган молиявий ва статистик ҳисоботларга қўшимча тарзда ҳар қандай ахборот, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, тармов ичида ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун мавжуд захиралардан фойдаланиш учун қўшимча шароит яратиш мақсадида 2007 йилнинг ноябр ойида Президентининг "Ички

2018 йилда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилувчи бизнесни юритиш учун шарт-шароитлар яратиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик учун хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган бир қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган бир нечта қарор ва фармонлар қабул қилинди. Уларда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларини ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, шунингдек, уларнинг фаолиятига давлат аралашувини кескин камайтириш, жиноятларнинг олдини олиш ва олдини олиш самарадорлигини ошириш бўйича давлат органларининг асосий вазифаларини белгилаб берди. Шунингдек, юқорида айтиб ўтилган талабларни амалга ошириш ва ҳуқуқларнинг устуворлиги тамоилини таъминлаш ва тадбиркорлик субъектларнинг қонуний манфаатларига риоя этишга йўналтирилгандир. Шунингдек, бизнесни жадал ривожлантириш, хусусий мулкни тўлиқ ҳимоялаш ва Ўзбекистон Республикасида ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга ҳам эътибор қаратилган.

Бизнес-муҳитни шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2018 йил январ-декабр ойларида 48922 та янги кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этилди (деҳқон ва фермер хўжаликлари бўлмаган ҳолда) ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10755 тага ёки 28,2 фоиз кўпдир.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган  
кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда<sup>71</sup>**

	<i>январь-декабрь 2017й.</i>	<i>январь-декабрь 2018й.</i>
<b>Жами</b>	<b>38167</b>	<b>48922</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	5144	5586
Саноат	10182	11262
Қурилиш	3788	6360
Савдо	7891	11713
Ташин ва сақлаш	1830	2107
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3353	3891
Ахборот ва алоқа	1001	1228
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	858	1154
Бошқа турдаги хизматлар	4120	5621

2018 йилнинг январь-декабрида 48,9 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,2 % кўп демакдир.

<sup>71</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019



**2.3.1-расм. Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар тўғрисида маълумот<sup>72</sup>**

<sup>72</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар сони:

- савдода - 11713 та;
- саноатда - 11262 та;
- қурилишда - 6360 та;
- қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 5586 та;
- яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 3891 та;
- ташиш ва сақлашда - 2107 та ни ташкил этди.
- ахборот ва алоқада – 1228 та;
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда – 1154 та;
- бошқа турдаги хизматларда – 5621 та;

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (23,9 %), саноат тармоғида эса (23,0 %), қурилиш тармоғида (13,0 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (11,4 %), яшаш ва овқатланишда (8,0 %), ташиш ва сақлашда (4,3 %), ахборот ва алоқада – 2,5 %, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда – 2,4 %, бошқа турдаги хизматларда – 11,5 % ташкил этилган.


2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 59,4 %ни ташкил қилган бўлиб, 2017 йилнинг январь-декабрида 63,6 % га тенг бўлган. ЯИМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши ҳисобига кузатилган.

**2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг  
асосий кўрсаткичлари<sup>73</sup>**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>(+-)</i>
<b>Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони</b>	<i>бирлик</i>	<b>229666</b>	<b>262930</b>	<b>33264</b>
<b>Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар</b>	<i>бирлик</i>	<b>38167</b>	<b>48922</b>	<b>10755</b>
ЯИМ	%	63,6	59,4	-4,2
Саноат	%	41,2	34,7	-6,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	%	98,1	98,1	0,0
Инвестиция	%	34,8	34,9	0,1
Қурилиш	%	66,2	66,6	0,4
Савдо	%	88,3	86,3	-2,0
Хизматлар	%	58,4	55,2	-3,2
Юк ташиш	%	54,2	54,4	0,2
Юк айланмаси	%	77,7	79,6	1,9
Йўловчи ташиш	%	90,1	90,8	0,7
Йўловчи айланмаси	%	94,7	95,2	0,5
Экспорт	%	22,0	26,5	4,5
Импорт	%	53,6	55,8	2,2

<sup>73</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019

2.3.2-жадвал маълумотларидан, 2018 йилнинг январь-декабрида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг саноатдаги улуши 34,7 %, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,6 фоизга камайган, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 98,1 %, ўтган йилга нисбатан ўзгармаган, қурилишда – 66,6 %, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,4 фоизга ўсган, инвестиция -34,9 %, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,1 фоизга ўсган, савдо – 86,3 %, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,0 фоизга камайган, экспортдаги улуши – 26,5 %, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,5 фоизга ўсган, импорт – 55,8 %, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 фоизга ўсган, ва хизматлар соҳаси - 55,2 %, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин.



**2.3.2-расм. Кичик тадбиркорликнинг улуши (умумий ҳажмига нисбатан %да)<sup>74</sup>**

<sup>74</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019

2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 79457,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 34,7 %) ташкил қилди;

- 37504,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 34,9 %) ўзлаштирилди;

- 31458,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 66,6 %) бажарилди;

- 81040,6 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди (республика жами хизматлар ҳажмининг 55,2 %),;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 86,3% ёки 113682,5 млрд. сўм шакллантирилди;

- 3771,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 26,5 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 5,6 %га (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 79,6 %) кўпайиши таъминланди;

- йўловчи айланмасининг эса 3,1 %га (умумий йўловчи айланмасининг 95,2 %) кўпайиши таъминланди.

**Худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона  
ва микрофирмалар, бирликда<sup>75</sup>**


	<i>январь-декабрь 2017й.</i>	<i>январь-декабрь 2018й.</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>38167</b>	<b>48922</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1648	2177
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	2476	3131
Бухоро	1993	3024
Жиззах	1776	2319
Қашқадарё	1980	2365
Навоий	1228	1810
Наманган	2353	2709
Самарқанд	3259	4312
Сурхондарё	1988	2781
Сирдарё	1189	1354
Тошкент	3894	5080
Фарғона	3292	3780
Хоразм	1565	2009
Тошкент ш.	9526	12071

2.3.3 - жадвал маълумотларидан кўриб турибдики, 2018 йилда янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Тошкент

<sup>75</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019



шаҳрида - 12071 та, Тошкент вилоятида - 5080 та, Самарканд вилоятида - 4312 та. Фарғона вилоятида - 3780 та, Андижон вилоятида - 3131 та, Бухоро вилоятида - 3024 та. Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятларида бу кўрсаткич ўрта даражада бўлиб, 2709-1810 тани ташкил этган. Энг паст кўрсаткични Сирдарё вилояти –1354 тани ташкил этган.



### 2.3.3-расм. 2018 йил январ-декабрь ҳолатига янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши<sup>76</sup>

2018 йил январь-декабрь ҳолатига ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Тошкент шаҳрига - 24,7 %, Тошкент вилояти - 10,4 %, Самарқанд вилояти - 8,8%, Фарғона

<sup>76</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019

вилояти - 7,7 %, Андижон вилояти - 6,4 %, Бухоро вилояти 6,2%, Сурхондарё вилояти -5,7 %, Наманган вилояти – 5,5 %, Қашқадарё вилояти - 4,8 %, Жиззах вилояти - 4,7 %, Қорақалпоғистон Республикаси - 4,5%, Хоразм вилояти - 4,1%, Навоий вилояти - 3,7 %, энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида - 2,8 %ни ташкил этди. (2.3.3-расм.)


2.3.4-жадвал

**Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар, бирликда<sup>77</sup>**

	<i>январь-декабрь 2017й.</i>	<i>январь-декабрь 2018й.</i>	<i>фарқ (+-)</i>
Юнусобод тумани	1652	1196	456
Яккасарой тумани	1083	717	366
Миробод тумани	1089	731	358
Бухоро ш.	987	657	330
Мирзо-Улугбек тумани	1433	1134	299
Самарқанд ш.	1319	1059	260
Шайхонтохур тумани	1226	988	238
Олмазор тумани	1208	1004	204
Чилонзор тумани	1474	1276	198
Сирғали тумани	724	530	194

<sup>77</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019

2018 йил январь-декабрида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича энг юқори ўсиш Юнусобод туманида – 456 та, Яккасарой туманида - 366 та, Миробод туманида - 358 та. Бухоро шаҳрида бу кўрсаткич 330 тани ташкил этди, Мирзо-Улугбек туманида – 299 та, Шайхонтохур туманида - 238 та. Олмазор, Чилонзор ва Сирғали туманларида бу кўрсаткич 204 -194 тани ташкил этди.



**2.3.4-расм. Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар, бирликда<sup>78</sup>**

<sup>78</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019



**2.3.5-расм. 2018 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (хар 1000 аҳолига, бирликда)<sup>79</sup>**

<sup>79</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019

2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг кўп кўрсаткич Тошкент шаҳрида 23,9 бирликда, Сирдарё вилоятида 18,0 бирликда, Жиззах вилоятида 16,9 бирликда, Тошкент вилоятида 15,3 бирликда, Навоий вилоятида 14,1 бирликда ва Қашқадарё вилоятида 13,2 бирликда бўлиб, ўртача кўрсаткич 10-13 бирлик оралиғида Бухоро, Андижон, Хоразм, Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида, Самарқанд ва Наманган вилоятларида аниқланди. Сурхандарё вилоятида 8,7 бирликда ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

Агар, 2017 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) 12,4 бирликни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 13,2 бирликка етди ва 2017 йилга нисбатан 0,8 бирлик юқори.




### 2.3.6-расм. Январь-декабрь ҳолатига кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда);<sup>80</sup>

Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши энг кўп Жиззах (84,3 %), Самарқанд (80,0 %), Бухоро (79,8 %), Сурхандарё (79,4 %), ва Наманган

<sup>80</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019

(79,0 %) вилоятларида ташкил этди. Навоий вилоятида ушбу кўрсаткич (42,4%) паст бўлиб қолмоқда. (-расм)



**2.3.7-расм. Кичик тадбиркорликнинг худудлар бўйича ЯХМдаги улуши, % (2017- 2018 йил январь-декабрь)<sup>81</sup>**

<sup>81</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019


**2018 йил январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимида улуши, %<sup>82</sup>**

	<i>Саноат</i>	<i>Қурилиш</i>	<i>Хизматлар</i>	<i>Инвестиция</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>34,7</b>	<b>66,6</b>	<b>55,2</b>	<b>34,9</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	18,7	84,6	57,5	21,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	19,8	96,4	71,7	53,8
Бухоро	41,1	82,6	72,7	25,5
Жиззах	64,4	93,7	67,9	40,4
Қашқадарё	21,4	82,7	70,2	11,3
Навоий	16,1	70,7	62,0	14,7
Наманган	68,5	93,2	69,5	30,2
Самарканд	51,1	98,3	73,6	54,0
Сурхондарё	47,1	78,3	73,2	31,6
Сирдарё	52,1	92,5	63,3	48,3
Тошкент	23,5	76,5	73,8	40,1
Фарғона	35,8	90,4	72,8	52,6
Хоразм	31,7	88,4	68,4	50,2
Тошкент ш.	72,9	72,0	50,0	52,3

<sup>82</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019

Худудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улуши Тошкент шаҳри (72,9 %), Наманган (68,5 %) ва Жиззах (64,4 %) вилоятларига тўғри келади.

Қурилишда - Самарқанд (98,3 %), Андижон (96,4 %), Жиззах (93,7 %), Сирдарё (92,5 %) ва Наманган (68,5 %) вилоятлари, хизматлар соҳасида - Тошкент (73,8 %), Самарқанд (73,6 %), Сурхондарё (73,2 %), Фарғона (72,8 %) вилоятлари, инвестицияда - Самарқанд (54,0 %), Андижон (53,8 %) ва Фарғона (52,6 %) вилоятлари ташкил этади.




### 2.3.8-расм. Кичик тадбиркорликдаги экспорт (товар, хизмат)ларнинг, жами экспорт ҳажмидаги улуши, %<sup>83</sup>

<sup>83</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019




2018 йил январь-декабрь ҳолатига ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликдаги экспорт (товар, хизмат) ларнинг жами экспортдаги энг кўп улуши Жиззах вилоятида - 89,6 %, Сурхондарё вилояти – 87,8 %, Наманган вилояти - 83,8 %, Сирдарё вилоятида - 82,8 %, Самарқанд вилояти - 80,0 % Андижон вилояти - 74,1 %, Хоразм вилояти - 67,5 %, Фарғона вилояти – 48,8 %, Бухоро вилояти 44,5 %, Қашқадарё вилояти - 37,2 %, Тошкент вилояти - 29,2 %, Тошкент ш. - 24,1%, Навоий вилояти - 17,1 %, энг паст кўрсаткични Қорақалпоғистон Республикасида - 9,8 % ни ташкил этди.



**2.3.9-расм. 2018 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва суръати<sup>84</sup>**

<sup>84</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019


Худудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳри (31051,5 млрд. сўм), Тошкент (8227,3 млрд. сўм), Самарқанд (6064,5 млрд. сўм) ва Андижон (5349,3 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Сурхондарё вилоятида (1518,4 млрд. сўм) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.



**2.3.10-расм. 2018 йил январь-декабрь ҳолатига жами саноат маҳсулотидagi кичик тадбиркорликнинг худудлар бўйича улуши, %<sup>85</sup>**

Худудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами саноат маҳсулотидagi энг юкори улуши Тошкент ш. (72,9%), Наманган вилояти (68,5%), Жиззах вилояти (64,4%), Сирдарё вилояти (52,1%), Самарқанд вилояти (51,1%), Сурхондарё вилояти (47,1%) ва Бухоро вилояти (41,1%). Қорақалпоғистон Республикаси (18,7%) ва Навоий вилоятида (16,1%), кичик тадбиркорликнинг улуши паст бўлиб қолмоқда.

<sup>85</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019




**2.3.11-расм. 2018 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да ча кана товар айланмаси ҳажми ва суръати<sup>86</sup>**

Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Тошкент шаҳри (22270,4 млрд. сўм), Тошкент (12214,7 млрд. сўм), Самарқанд (10088,0 млрд. сўм) Фарғона (9915,3 млрд. сўм) ва Андижон (9245,9 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.


<sup>86</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019

Худудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Тошкент шаҳри (6308,6 млрд. сўм), Самарқанд (2868,8 млрд. сўм), Қашқадарё (2860,2 млрд. сўм) ва Бухоро (2667,5 млрд.сўм) вилоятларида қайд этилди.



**2.3.12-расм. 2018 йил январь-декабрида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва суръати<sup>87</sup>**

<sup>87</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019



**2.3.13-расм. 2018 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва суръати<sup>88</sup>**

Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Тошкент шаҳри (24179,9 млрд. сўм), Тошкент (8091,6 млрд. сўм), Самарқанд (7295,4 млрд. сўм), Фарғона (6637,4 млрд. сўм) ва Андижон (4679,2 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий ўзгаришини хулоса қилиш мумкин.

<sup>88</sup> Манбаа. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси- 2019

## **2.4. Тадбиркорлик субъектлари ҳолати ва тадбиркорлик инфратузилмасининг самарали фаолияти таҳлили**

Тадбиркорликни ривожлантириш - мураккаб комплекс жараён бўлиб, у ўзида такрор ишлаб чиқариш, мақсадлар, тамоиллар, функциялар ва фаолият услубларини босқичма – босқич ўзгартириш, ишбилармонлик фаоллиги доирасини кенгайтириш, уларнинг ташкилий-техник даражасини ошириш орқали тадбиркорлик фаолиятини сифат жиҳатдан ўстиришдир.

Республикада олиб борилаётган жамиятни демократлаштириш жараёнлари, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини биринчи даражага олиб чиқади. 1999 йилдан 2018 йилгача у мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни ривожланиш суръатларининг сезиларли даражада ўсиши, аҳоли бандлигини ошишига имкон берди, ўзининг ресурс базасини сезиларли даражада кенгайтира олди, ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлади.

Кичик ва йирик бизнес субъектларининг ҳамкорлик муносабатлари маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди, бу уларнинг ўзаро муносабатлар тизимини ташкил этишнинг бир шарти ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, корпоратив сектор замонавий иқтисодиётнинг асосидир. Мисол учун, Ғарбий Европа ва АҚШда бу кўрсаткич 1: 500 даражага яқинлашганда, Россияда йирик ва кичик бизнеснинг нисбати 1: 5 дан 1:25 гача бўлган ҳудудий ҳажмда ўзгариб туради. Йирик тадбиркорлик субъектлари бозор иқтисодиётининг асосий элементлари бўлиб, унинг ривожланиш ва самарадорлик даражасини белгилайди. Улар ўз-ўзини ривожлантириб, улар иқтисодиётнинг тизимли яхлитлигини таъминлайди. Ривожланган мамлакатларида иқтисодиётнинг илмийлиги, инфратузилмавий ва ресурсларни эксплуатация қилиш тармоқлари, саноат гигантлари ва уларнинг бирлашмалари технологик тараққиёт ва иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Бироқ, хўжалик юрителининг объектив шароитларини ўзгариши, рақобат муносабатларининг ривожланиши, бозор шароитининг ноаниқлиги ва беқарорлиги билан хўжалик субъектларининг мослашувчанлик, реакциянинг тезлиги, янги технологияларни жорий этиш ва ўзлаштириш каби хусусиятларини долзарблаштиради. Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар саноат ишлаб чиқаришдан, мослашувчан ишлаб чиқариш линияларидан фойдаланишга ўтишини тақозо этади, маҳсулотлар кичикроқ партияларда ишлаб чиқарилади, қайтанга, барча имконли модификацияларни фойдаланади. Бу йирик хўжалик тузилмалари учун кичик бизнеснинг жозибадорлигини оширади. Давлатнинг мақсадга йўналтирилган қўллаб қувватлаши аҳолининг тадбиркорлик ташаббусининг кучайишига, мамлакат иқтисодиётида ушбу секторнинг роли ва ўрнига сезиларли даражада таъсир этиди.

Иқтисодиётда кичик бизнеснинг улуши ва аҳамияти ортиб бораётганлигига қарамадан, ушбу кўрсаткичлар қиймати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга нисбатан паст (ўртача 65-75%) даражада қолмоқда. Шунини инобатга олиб, Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва преференциялар бериш, жинсий қонунчиликни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Фарғона вилоятида инфратузилмани шакллантириш методологияси мавжуд эҳтиёжларнинг устуворлигини таъминлай олиши керак, уларни амалга оширишда минтақавий ва тармоқ манфаатлари уйғунлигини таъминлай олиши керак. Бу ҳолда уни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тизимли-функционал ёндашув йўли билан амалга оширилади ва ушбу дастурнинг асосий кўрсаткичлари маҳаллий талаблар асосида унинг таркибий қисмларининг самарадорлиги даражасида аниқланади.

Бизнинг фикримизча, давлатнинг асосий параметрларини таққослаш ва инфратузилма комплексининг минтақадаги структуравий-функционал ёндашув билан таққосланиши қуйидаги методологик схема билан аниқланиши мумкин:

1. Ҳар бир инфратузилма блокида таққослаш учун инфратузилма элементларини танлаш.

2. Вилоятдаги (туман) инфратузилманинг ҳар бир элементи ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлаш.

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг юқори даражада ривожланганлиги ҳам, заиф моддий-техника базага эга инфратузилма комплекси кичик бизнеснинг юқори даражада самарали фаолият олиб боришини таъминлай олмайди.

Биз томондан олиб борилган ЯХМ таҳлили, Фарғона вилоятида бозор инфратузилмаси билан заиф алоқалар туфайли кичик бизнес ривожланишнинг потенциал даражасига эриша олмаганлигини кўрсатмоқда.

Инфратузилманинг асосий мақсади ахборот, маслаҳат, таълим, прогнозлаштириш, аналитик, илмий-техникавий, суғурта ва молиявий хизматларни тақдим этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг нормал фаолият юритишига шароит яратишдир. Инфратузилма ташкилотларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига таъсири самарадорлигини алоҳида ўрганиш керак. Шу муносабат билан, биринчи навбатда, самарадорликнинг моҳиятини аниқлаб олишимиз керак.

Умуман олганда, самарадорлик - натижанинг нархга нисбати асосидаги кўрсаткич. Бизнингча, инфратузилма объектлари миқдорининг ўзгариши харажатларни бевосита акс эттирмасада, бироқ, улар сонининг ўсиши ва ўзгариши асосида қўшимча харажатлар ётади. Шу билан бирга, кичик бизнес билан боғлиқ инфратузилма фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи кичик бизнесга хизмат кўрсатишда фаол иштирок этадиган инфратузилмага таъсир кўрсатадиган кўрсаткичлар нисбати асосини ташкил этувчи индикатор сифатида талқин қилинади. Юқорида келтирилган кўрсаткичларни ўрганиш асосида вилоятдаги мавжуд инфратузилма объектларида ҳам миқдорий ўзгаришларнинг таъсири ва



кичик бизнеснинг умумий аҳволига боғлиқ бўлган фаолият даражасининг ўзгариши баҳоланади. Натижада, минтақада кичик бизнесни ривожлантириш учун илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Шу муносабат билан кичик бизнесни тегишли инфратузилма объектлари билан таъминланганлик даражаси алоҳида эътиборга молик масала ҳисобланади. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида кичик бизнесга хизмат кўрсатадиган инфратузилма самарадорлиги даражаси бир хил эмас. Инфраструктура объектларининг юқори самарадорлиги Тошкент шаҳрига (2,46%), энг паст кўрсаткич Сурхондарё (0,4%) га тўғри келади. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу вилоят республикада инфратузилма объектлари сони бўйича 5-ўринни эгаллайди ва бу 13,3 кичик бизнес субъектларининг фаолиятига мос келади.

Фарғона вилояти ЯХМда КБХТ субъектларининг улушини янада ошириш учун, бизнинг фикримизча, қуйидаги интенсив усуллардан фойдаланиш керак:

- кичик корхоналарга янги техника ва технологияларни жорий этишни жадаллаштириш;
- банд бўлганлар сонини ўзгартирмаган ҳолда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;
- ишчи кучидан мақсадли фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни ошириш;
- бозор инфратузилмаси билан кичик бизнес субъектлари ўртасидаги алоқаларни яхшилаш.

Шунини айтиб ўтиш керакки, вилоят иқтисодиётида ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнеснинг улуши ҳажмига нисбатан йирик корхоналарнинг нисбатани юқори. Вилоятда яратилаётган ЯХМнинг асосий улуши иқтисодиётнинг саноат тармоғи йирик корхоналарига тегишли бўлиб, уларнинг ЯХМдаги улушининг камайиши, уларнинг бандликдаги улушини пасайишидан ортда қолмоқда. Бунинг сабаби шундаки, кичик бизнесда яратилган янги иш ўринлари сони ўсиб бормоқда.

Юқоридагиларга асосланиб, биз қуйидагиларни таъкидлаб ўтишимиз мумкин: ЯХМни ўрганишда кичик бизнесда меҳнат омилининг самарасизлиги аниқланди, бунинг сабаби кичик бизнесни капитал билан таъминлашнинг паст даражада эканлигидадир. Шу билан бирга, йирик бизнесда капитал билан таъминланганлик кўрсаткичи юқори бўлса-да, бироқ, кичик бизнес билан таққослаганда ундан фойдаланиш самарадорлиги паст.

2014-2018 йиллар ҳолатига Фарғона вилоятида кичик бизнес субъектлари фаолиятининг тўхтаб қолиши сабаблари ўрганилганда, унинг асосий салбий омили бўлиб, айнан саноат корхоналари учун муҳим бўлган айланма маблағларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Айнан шунинг учун, жорий йилда 5,2 фоиз кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятини тўхтатган. Хом ашё етишмаслиги ҳам улар фаолиятини тўхтатишининг сабабларидан биридир. Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг тармоқлараро тузилмасини ўрганиш натижасида, мос равишда энг юқори улуш қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва юк ташишга тўғри келаётганлиги аниқланди. Шунини таъкидлаш керакки, тармоқлар бўйича кичик бизнес субъектлари фаолиятини тўхтатилишининг сабабларини ўрганишда ҳам бу ҳолатга ушбу сабаблар таъсир қилаётганлиги аниқланди. Фарғона вилоятида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш инфтузилмаси фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш учун, авваламбор, унинг улуш кўрсаткичларини, яъни 1 та инфратузилма объекти томонидан қанча кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатилишини баҳолашга ҳаракат қиламиз.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги хулосалар берилди:

1. Кичик тадбиркорликнинг ҳолати ва ривожланишини тавсифловчи кўплаб кўрсаткичлар мавжудлиги ва ушбу мавзу бўйича турли тадқиқотларнинг олиб борилганлигига қарамасдан, натижалар бўйича бошқарув мақсадларига мувофиқ келувчи кўрсаткичларнинг комплекс тизими ҳали шакллантирилмаган.

Бу биринчидан, давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари фаолиятига натижага йўналтирилган бошқарув тамойилларини жорий қилиш зарурлигини

тушуниш билан боғлиқ бўлиб, у яқинда белгиланган маъмурий ислохотларнинг устувор йўналишларида ўз аксини топган.

Иккинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг натижавийлиги ва самарадорлигини аниқ шаклда тавсифловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, объективлик, назорат ва тўлиқлик талабларига жавоб берадиган ва иложи борича “кўрсаткичлар бўйича ишлар” нинг таъсирини бартараф этадиган кўрсаткичлар тизимини ривожлантириш билан боғлиқ объектив қийинчиликларнинг мавжудлиги.

2. Кичик бизнес субъектлари фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсатадиган энг муҳим омиллардан бири, кичик бизнес субъектлари ва инфратузилманинг ҳудудий контекстда нотекис тақсимланиши ҳисобланади. Фарғона вилоятида ЯХМ даражаси ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг ижобий динамикасини таъминлаш учун вилоятнинг туманларида кичик бизнес субъектлари ва инфратузилмани жойлаштиришни мувофиқлаштириш зарур. Бунда, фаолият турлари бўйича инфратузилма объектларини тармоқларнинг хусусиятига қараб ҳисобга олиш керак.

3. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасининг асосий ўзига хослиги шундаки, унинг фаолият самарадорлигини баҳолаш, у билан боғлиқ тадбиркорлик субъектларининг самарадорлиги даражаси билан амалга оширилади. Иқтисодий тизим субъектлари орасидаги ўзаро боғлиқлик ва товар-пул оқимларининг ҳаракатини тартибга солувчи иқтисодий алоқаларнинг узлуксизлигини таъминлаш инфратузилманинг макро ўзига хос хусусиятларини намоён этади.

4. Иқтисодиёт ва саноат Вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларида кичик бизнес инфратузилмасини ривожлантириш бўлинмасини яратиш, шунингдек, кичик бизнес субъектларига кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигини унинг асосий вазифаси сифатида белгилаш мазкур муассаса фаолиятида сифат кўрсаткичларини яхшилашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

5. Кичик бизнес фаолиятини самарали ташкил этиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва унга хизмат кўрсатадиган инфратузилма объектларини ривожлантиришни такомиллаштириш зарур. Бунда, маркетинг хизматларининг сифатини ошириш учун, "Маркетинг тадқиқот марказлари" ни яратиш, уларни электрон савдо, алоқа тизими ҳамда ахборот технологиялари воситаларини лизинг тизимига ўтказиш йўли билан ривожлантириш керак.

Кичик бизнес инфратузилмаси самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, унинг фаолияти кўламини кенгайтиради, шунингдек, бутун минтақада кичик бизнеснинг ЯХМдаги улушини, аҳоли бандлиги даражасини оширишни таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган деярли барча мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик корхоналар йирик корхоналарнинг қўллаб-қувватлаши остида энг самарали фаолият кўрсатади. Айнан йирик корпорациялар иқтисодиётнинг самарадорлик ва миллий иқтисодиётнинг технологик тараққиёт даражасини белгилайди. Мамлакат иқтисодиётида йирик ва кичик корхоналарнинг оптимал нисбатларини сақлаб қолиш учун йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва улар учун кичик корхоналардан тарқатиш тармоқларини яратиш зарур.

Бироқ, республика иқтисодиётининг асосий тармоқларида кичик корхоналарнинг ривожланиш даражаси бўйича олиб борилган баҳолаш умумлаштирувчи ва тенденцияларнинг умумий кўринишини тавсифлайди.

### **Хулосалар**

1. Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асосни таҳлил қилиш, Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳуқуқий майдонни шакллантириш жараёни динамик тавсифга эга бўлиб, ҳақиқий мулкдорлар синфини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи субъектив омилларни максимал камайтиришга қаратилганлигидан гувоҳлик бермоқда.

2. Фарғона вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги тармоқлар бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Қурилиш ва пулик

хизматлар билан ҳам юқори улушларга эга. Шу билан бирга, саноатда кичик бизнеснинг улуши ҳали ҳам паст даражада қолмоқда. Бу шуни кўрсатадики, тармоқдаги тадбиркорлик муҳити кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини жадаллаштиришни рағбатлантира олмаяпти.

3. Ҳозирги кунда Фарғона вилоятида кичик тадбиркорликни ривожлантириш даражаси бўйича эришилган натижалар янги иш ўринларини яратиш, маҳаллий товарлар бозоридаги талабни қайта тиклаш, аҳоли иқтисодий фаол қисмининг асосий қисмида хусусий тадбиркорлик ташаббуси орқали мустақил даромад манбаларини пайдо бўлиши, барча даражадаги бюджет харажатларида ижтимоий юкларни камайтириш учун этарли эмас. Сўнги йилларда кичик корхоналарнинг тармоқ тузилмаси деярли ўзгармади. Фаолиятнинг ноишлаб чиқариш соҳаси ишлаб чиқаришга қараганда жозибадор бўлиб қолмоқда.

4. Келгусида ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот сифати ва меҳнат унумдорлигини янада оширишнинг энг муҳим омили, тармоқ ичида ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобланади. Саноат кооперацияси иқтисодиётни жадал ва барқарор ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни жорий этишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, унинг асосида замонавий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, валюта ресурсларидан тежаб ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, янги иш ўринларини яратиш ва ички бозорда товарлар ва хизматлар учун барқарорликни мустаҳкамлашни таъминлайди.

### **3 Боб      ЎЗБЕКИСТОНДА      ТАДБИРКОРЛИК      МУҲИТИНИ САМАРАЛИ      НАЗОРАТ      ҚИЛИШ      МУАММОЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

#### **3.1.      Forbes нинг “Бизнес юритиш учун энг яхши мамлакат” рейтинги кўрсаткичларини баҳолаш**

Бугунги кунда иқтисодий ва тадбиркорлик муҳитида институционал муҳитни баҳолашнинг асосий инструментлари орасида:

- Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамкорлигида олиб бораётган «Business Environment and Enterprise Performance Survey» (BEEPs) тадқиқоти;

- Жаҳон банкининг рақобатбардошликни баҳолашга қаратилган «Investment Climate Assessment» (ICA) ва Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорациясининг «Doing Business» тадқиқоти;

- Кауфман раҳбарлиги остидаги лойиҳа доирасида Жаҳон банки олиб борадиган сиёсий институтлар ва давлат бошқаруви сифатини баҳолаш;

- Transparency International нинг коррупцияни ўзлаштириш халқаро индекси;

- Policy IV индексида сиёсий институтлар таҳлили; эркинликни ўлчашнинг турли ўлчамлари, шу жумладан, Freedom House нинг матбуот эркинлигини ўлчаш, Американинг нуфузли иқтисодий журнали ҳисобланган Forbes нинг рейтинги ва бошқа шу кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Бу каби инструментлар доимо такомиллашиб боради ва жуда катта доирадаги ўзгаришларни, яъни, нафақат алоҳида институтларнинг сифат даражасини балки, бутун тадбиркорлик муҳити сифатини ўлчовчи ўзгаришларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда институционал муҳитни амалий жиҳатдан ўрганиш ҳам илмий муҳитда (масалан, иқтисодий тадқиқотлар маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги прогнозлаш ва микроиқтисодий

тадқиқотлар институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги илмий-тадқиқот маркази) ва ҳам бизнес ассоциациялар (савдо саноат палатаси, Ўзбекистон банклар ассоциацияси, Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси) олиб боради.

1917 йилда Берти Чарлз Форбс томонидан асос солинган, дунёнинг энг нуфузли ва таниқли иқтисодий нашрлардан бири, Американинг молия-иқтисодий журнали Forbes нинг рейтингини кўриб чиқамиз.

Нашриёт “Бизнес юритиш учун энг яхши мамлакат” («Best Countries for Business») рейтингини тузишда ўзининг баҳолаш методологиясини яратган. Рейтингни тузиш 12 йилдан буён олиб борилмоқда.

“Forbes” таҳлилчилари 153 мамлакатни 15 та турли хил омиллар, жумладан, мулкчилик ҳуқуқи, инновациялар, солиқ, технологиялар, коррупция, инфратузилмалар, бозор ўлчами, иқтисодий риск, ҳаёт сифати, эркинлик (шахсий, савдо ва пул), бюрократия ва инвесторларнинг химояланганлиги кабиларни баҳолаб, “Бизнес юритиш учун энг яхши мамлакат” ни аниқлайдилар.

Олиб борилган ушбу тадқиқотлар Freedom House<sup>89</sup>, Heritage Foundation<sup>90</sup>, Alliance Property Rights<sup>91</sup>, United Nations, Transparency International<sup>92</sup>, World Bank

---

<sup>89</sup> Freedom House – Вашингтонда жойлашган нодавлат ташкилот. Унинг бюджети 66-80% АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилади. 1941 йилда ташкил этилган. Даромад: 30.86 млн. АҚШ доллари

<sup>90</sup>Heritage Foundation – “Мерос” фонди - АҚШнинг стратегик тадқиқотлар институти бўлиб, халқаро сиёсат тадқиқотлари билан шуғулланади. 1973 йилда ташкил этилган.

<sup>91</sup>Мулк ҳуқуқи альянси (PRA) Қўшма Штатларда ва хорижда жисмоний ва интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни химоя қилиш фаолиятига бағишланган адвокатлик ташкилоти.

<sup>92</sup> Transparency International - коррупцияга қарши кураш ва бутун дунёдаги коррупция даражасини ўрганиш бўйича нодавлат халқаро ташкилоти.

Group<sup>93</sup>, Aon<sup>94</sup>, Marsh & McLennan<sup>95</sup> ва бутун жаҳон иқтисодий форуми ҳисоботларига асосланган.

Бизнес юритиш учун энг яхши мамлакат рейтингида Европа Иттифоқи мамлакатлари 12 - дан 20 - гача бўлган юқори қаторларни эгаллаб, ўз устунликларини давом эттирмоқда. 2019 йилда Европа иттифоқи таркибидан чиқиш бўйича ўтказилган овоз беришдан кейин Буюк Британия ушбу рейтингда лидерликни қўлга олди. Европа давлатлари молиявий эркинлик, инновация, инфратузилма ва коррупция даражасининг пастлиги бўйича юқори баҳо олишди.

2016 йилда Буюк Британия ЯИМи 1.8 % га ўсиб, бу кўрсаткич бўйича “катта еттилик” мамлакатлари орасида ЯИМи ўша йил учун 1.9 % га ўсган Германиядан бироз ортда қолган. 2017 йилда Буюк Британия иқтисодиёти ўсишда давом этди, кўчмас мулк қиймати ҳам ўсиб бормоқда, ишсизлик даражаси 42 йиллик давр мобайнида рекорд даражада 4.3 % га тушиб кетди.

Буюк Британиянинг Европа иттифоқи таркибидан расман чиқиши 2019-йилнинг март ойига мўлжалланган. Бир қатор Британия компаниялари Евроиттифоқдан чиқиши унинг савдо муносабатларига қандай таъсир кўрсатишини кузатиш учун инвестициялар билан боғлиқ масалаларни кейинга суришга қарор қилди.

2018 йилда иқтисодий ўсишнинг секинлашиши ҳақидаги прогнозларга қарамасдан, Буюк Британиянинг бизнес - муҳити ўз жозибадорлигини йўқотгани йўқ. Буюк Британия Forbes йўналиши бўйича бизнес юритиш учун энг яхши мамлакат йиллик рейтингида охириги 12 йилликда биринчи мартаба биринчи ўринни қўлга киритди. Буюк Британия рейтингда баҳоланувчи 15 та асосий

---

<sup>93</sup>World Bank Group –Жаҳон банки гуруҳи- турли вақтда ташкил этилган ва функционал, ташкилий ва ҳудудий жиҳатдан бирлашган, ривожланаётган мамлакатларга молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш асосий мақсади бўлган беш ташкилот. Ташкилотга 189 мамлакат аъзо ҳисобланади.

<sup>94</sup> Буюк Британиядаги энг йирик суғурта компанияси. Даромади 11,63 миллиард АҚШ доллари (2016 йил).

<sup>95</sup> Дунёнинг етакчи суғурта компанияси. Бош штаби Нью-Йорк, АҚШ. Даромад 13,2 миллиард АҚШ доллари (2016).



параметрларнинг ҳар бири бўйича амалий жиҳатдан 25 та топ мамлакатлар (153 мамлакат ичида) қаторига кирди. “Сиёсий риск” мезонидан ташқари Буюк Британия 28-ўринни эгаллади. 2016 йилда Буюк Британия “технология” параметри бўйича юқори баҳоланиб, мамлакат тўртинчи қаторни қайд этди, шунингдек, ишчи кучининг сони ва малака даражаси бўйича Британия 3-ўринга жойлашди. Британия иқтисодиёти 2.6 триллион долларлик ЯИМ билан дунёнинг кучли иқтисодиётга эга мамлакатлари қаторида кучли бешликка киради. Лондон – молиявий хизматлар соҳасида глобал иқтисодий марказ ҳисобланади. Британия пойтахтида HSBC Holdings, Prudential ва Barclays каби молиявий конгломератларнинг штаб квартираси жойлашган.

Янги Зеландия учинчи йил қаторасига умумий рўйхатда 2 - ўринни эгалламоқда. Тинч океанининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган орол давлатнинг аҳолиси 4.5 млн. кишини ташкил этади. Бироқ мамлакатда кучли иқтисодий ўсиш кузатилмоқда. Масалан, Янги Зеландия ЯИМининг ўсиш хажми 3,6 % ни ташкил этмоқда.

Forbes рейтинги бўйича топ – 20 таликка кирувчи мамлакатлар билан таққослаганда, фақатгина Ирландия иқтисодиёти тезлик билан ривожланмоқда.

Охирги 4 ўн йилликда, Янги Зеландия аграр иқтисодиётдан саноати ривожланган, эркин бозор тизимига эга мамлакатга айланиб бормоқда. Янги Зеландияликлар илгари давлат назоратида бўлган ўнлаб саноат тармоқларини, масалан авиаташув, банк хизматлари, телекоммуникация тармоқларини хусусийлаштирдилар, мамлакатда “Бюрократиянинг мавжуд эмаслиги”, “Коррупция даражасининг пастлиги” ва “мулк ҳуқуқи” каби мезонлар бўйича умумий рўйхатда биринчиликни эгалламоқда.

Энг яхши бешта мамлакат таркибига Нидерландия, Швеция ва Канада мамлакатлари ҳам кирган.

Охирги ўн йилликда АҚШ Forbes рейтинги бўйича аста-секин қуйи даражага тушиб бормоқда. 2006 йилда биринчи ўриндан бошлаб, ўтган йили 23-

ўринда яқунлади. АҚШ бу ўринга бюрократия даражасининг ўсиши, шунингдек, савдо ва молия соҳасидаги эркинликнинг пасайиши сабабли лойиқ кўрилган.

Бироқ, АҚШ 2017 йилда ўзининг 18,6 триллион долларлик ЯИМи билан рейтингда ўн биринчи ўринга кўтарилиб олган. Бу кўрсаткичга технология даражаси, инновацияни жорий этиш ва савдо эркинлиги параметрлари эвазига эришди. Шунингдек, баҳолаш мезонларининг ўзгариши, масалан, “ишчи кучи” (таълим сони ва даражаси) ва “бозор ҳажми” каби параметрларнинг кўшилиши ҳам АҚШ фойдасига ишлади. Мамлакат иккала категория бўйича ҳам етакчи ўринни эгаллади. Харидорларга яқинроқ бўлиш учун ва дунёдаги энг катта етказиб беришлар занжирини яхши бошқаришни ҳоҳловчи халқаро компаниялар сонининг ортиши муносабати билан охириги йилларда АҚШда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ортган.

Дунёнинг энг кучли иқтисодиётига эга мамлакатлар қаторида иккинчи (Хитой) ва учинчи (Япония) ўриндаги мамлакатлар “Бизнес юритиш учун энг яхши мамлакат” рейтингда муносиб равишда 26 ва 21 ўринларни эгаллаган. Хитой бу каби паст кўрсаткичга савдо ва пул муносабатларининг эркинлик даражаси паст бўлганлиги сабабли эришди. Япония 2012 йилдан бошлаб корпоратив солиқ ставкасини 8% га қисқартирди, бироқ Жаҳон банки маълумотларига мувофиқ, кўплаб ривожланган мамлакатларга нисбатан Японияда солиққа тортиш даражаси ҳамон юқориликча қолмоқда. Шунингдек, Япония инновация ва инфраструктурани жорий этиш даражаси бўйича топ-10 мамлакатлар таркибига кирган.

Рейтингда охириги ўнталикнинг олтига ўрнини Африка мамлакатлари эгаллайди. (Чад, Гамбия ва Гаити Республикалари жуда ёмон кўрсаткичга эга). Инновация даражаси, савдо эркинлиги ва инвесторларнинг ҳимояланганлик даражаси ушбу олти мамлакатнинг кўпчилигида жуда паст даражада. Африка Республикаси денгизга чиқиш имкониятларига эга эмас, яхши ривожланмаган инфратузилма ва малакали ишчи кучининг етишмаслиги, шунингдек, юқори даражадаги бюрократия ва коррупциядан азият чекмоқда.

Африка мамлакатлари бизнес юритиш учун энг ёмон мамлакатлар қаторига киради. Ушбу мамлакатлар кўпчилиги инновация, савдо эркинлиги ва инвесторларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш масалаларига етарлича ёндошмаган.

Биз томондан олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, “Forbes” рейтингини муаллифлари Ўзбекистонни 99-ўринга жойлаштиришган. Экспертларнинг фикрича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини диверсификациялаш бўйича амалга оширилган чора тadbирларга қарамадан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, асосан, пахта ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Ўзбекистон, пахта экспорт қилиш хажми бўйича дунёда бешинчи ўринни, уни ишлаб чиқариш хажми бўйича еттинчи ўринни эгаллайди.

### 3.1.1-жадвал

“Бизнес юритиш учун энг яхши мамлакат” рейтингига ТОП 10 талик  
(FORBES 2018)<sup>96</sup>

Ўрни	Мамлакат	ЯИМ ўсиши	Аҳоли жон бошига ЯИМ	Савдо баланси / ЯИМ	Аҳолиси (млн.)
# 1	Буюк Британия	1,8%	\$ 39900	-4,4%	64,8
# 2	Янги Зеландия	3,6%	\$ 39400	-2,8%	4,5
# 3	Нидерландия	2,2%	\$ 45300	8,5%	17,1
# 4	Швеция	3,2%	\$ 51600	4,5%	10
# 5	Канада	1,5%	\$ 42200	-3,3%	35,6
# 6	Гонконг	2%	\$ 43700	4,6%	7,2
# 7	Дания	1,7%	\$ 53400	7,9%	5,6
# 8	Ирландия	5,1%	\$ 61600	3,3%	5

<sup>96</sup> Манба: “Forbes” рейтинг агентлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди (<https://www.forbes.com/best-countries-for-business/list/>).

Ўрни	Мамлакат	ЯИМ ўсиши	Аҳоли жон бошига ЯИМ	Савдо баланси / ЯИМ	Аҳолиси (млн.)
# 9	Сингапур	2%	\$ 53000	19%	5,9
# 10	Швейцария	1,4%	\$ 78800	10,5%	8,2
# 99	Ўзбекистон	7,8%	\$ 2100	0,7%	29,7
# 108	Тожикистон	6.9%	\$800	-3.8%	8.5
# 123	Қирғизистон	3.8%	\$1,100	-9.7%	5.8
# 153	Чад	-6.4%	\$700	-9.2%	12.1

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда кузатилаётган иқтисодий ўсиш асосан давлат инвестициялари эвазига амалга оширилмоқда. Табiiй газ, олтин ва пахта экспорт қилиш валюта улушининг катта қисмини таъминламоқда. Инвестиция муҳити яхшилаш зарурлигини англаган ҳолда, ҳукумат ишбилармонлик секторини ислоҳ қилиш ва мамлакатга хорижий инвестициялар учун тўсиқларни бартараф этиш учун қўшимча чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Ливан, Босния ва Герцоговина, Тунис, Замбия, Гватемала, Доминикан, Салвадор ва Кения бироз юқорироқда жойлашган.

Марказий Осиё мамлакатлари орасида рейтингда юқорироқ ўринни, яъни 65-ўринни Қозоғистон эгаллаб турибди. Қирғизистон эса 123-ўринда. Туркманистон рейтингда мавжуд эмас. Тожикистон ҳақида эса ўтган йили Республикада ЯИМ 6,9 % га ўсгани, аҳолиси сони 8,5 млн. кишини ташкил этиши, аҳоли жон бошига ЯИМ 800 доллардан эканлиги қайд этиб ўтилган.

Собиқ иттифоқ мамлакатлари орасида Эстония 27-ўринни эгаллаб, энг яхши кўрсаткични қайд этмоқда. Ундан бироз ортда Болтиқбўйи Республикалари: Литва 30 ва Латвия 36 - ўринда рейтингда қайд этилган. Ундан сўнг 52-ўринда Грузия, 58-ўринда Россия, Қозоғистон 65-ўринда ва Озарбайжон 70-ўринни эгаллаган. Биринчи 100 таликда шунингдек, 80-ўринда Украина, 87-ўринда Молдавия, 88-ўринда Арманистон ҳам киритилган. Тожикистон 108-ўринда, 123-

ўринда Қирғизистон кўрсатиб ўтилган бўлса, Белоруссия ва Туркменистон рўйхатга киритилмаган.

“Forbes” рейтинги бўйича олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, “Бизнес юритиш учун энг яхши мамлакат” ТОП да Ўзбекистон 99-ўринни эгалламоқда. Кичик бизнесни ривожлантириш бўйича етакчи мамлакатлар тажрибасини қўллаш, Ўзбекистон учун нафақат модернизациялаш стратегиясининг кенг қўламли вазифаларини самарали ҳал этишга, балки инновацион иқтисодий шакллантириш учун зарурий институционал асосни яратишга имкон беради.

Ўзбекистон рейтингининг ўзгаришлари сабаблари таҳлили унга таъсир этган бир қатор омиллар, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат органлари ва тузилмалари билан ҳамкорликни амалга ошириш билан боғлиқ кўплаб процедураларни яхшилаш ёки либераллаштиришга қаратилган меъёрий ҳуқуқий актларни қабул қилиш билан тавсифланишини кўриш мумкин.

Бизнесни бошлаш, қурилишга рухсат бериш, “электрга эришиш”, инвесторларни ҳимоя қилиш, солиқ тўлаш, халқаро савдо каби процедуралар билан биргаликда ишбилармонлик муҳити, инвестиция жозибадорлиги ва мамлакатимиз халқаро рейтингини яхшилаш бўйича ислоҳотлар бошланганлиги ва давом эттирилаётганлигини қайд этиб ўтиш керак.

Шуни хулоса қилиш мумкинки, юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, олиб борилган халқаро ва ички тадқиқот ҳамда таҳлиллар, Ўзбекистонда самарали бизнес юритиш учун ўзига хос бўлган муаммолар қуйидагилардан иборат эканлигини кўрсатди:

- бюрократия даражасининг пастлиги;
- иқтисодий ресурсларга эришиш имкониятларининг ўта соддалиги;
- молия бозори иштирокчиларининг рақобат шартларига мувофиқ эмаслиги;
- халқаро иқтисодий муносабатларнинг назорат қилиниши, бизнесни тугатиш жараёнларининг самарасизлиги.

